

УМРГА СОДИҚЛИК



Имом Санокуллов оила даврасида.

Истеъфодаги милиция подполковниги Вобкент туман Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси раиси Имом Санокуллов оиласи ҳақида кўп эшитгандим...

Пенсияга чиқиб, эртасигаёқ фаол ижтимоий ҳаётдан, касб-кори, дўстларидан узоқлашиб, ўзини қария ҳисоблайдиган кишилар йўқ дейсизми? Имом оқсоқолнинг ҳаёт йўли, бугунги ҳаракат-иштиёқи кўпга тенгдошларидан фарқ қилади.

- Имом Санокулловни «Маҳалла» жамғармаси раиси лавозимига лойиқ топганимизда обрў-этибори, узоқ йиллик тажрибаси, намунали оиласи, ишчанлигига сўянганмиз, - дейди Вобкент туман ҳокими Муҳиддин Эсонов.

- Туманимизда ўттиз тўртта маҳалла, минглаб оилалар бор, - дейди жамғарма бош мутахассиси, ҳуқуқшунос Усмон Жўраев. - Муаммолар эса кам эмас. Маҳалланинг ташвишига шерик бўлиш, зарур пайтда дардига малҳам бўлиш, чора топиш, бош бўлиш осон эмас. Назаримда киши етмишдан охири ҳам жамиятда ўз ўрни, лаёқатига мос вазифани (агар истаса) бажариши мумкин экан. Раисимиз Имом Санокулловнинг фаоллиги, ўз ишига қатъият билан ёндашиши бунга мисол бўла олади.

- Раҳматлик онам тикиб берган чит кўйлак-иштонни кийиб, бош-яланг Эҳсон кишлоғидаги бошланғич

мактабга борганман, - дейди Имом ака. - Уруш тугагунча, то эллигинчи йилларнинг бошига қадар мактабга костюм-шим, янги туфли кийиб келган болани эслаёлмайман. Оналаримиз кийиб-кийиб йиртган кўйлақларнинг бутун жойларидан дафтар-китоб жилди тикиб берар, биз эса унга узун ип боғлаб, елкамизга осганча мактабга чопардик. Ҳамманинг ҳоли шу, ҳеч ким бир-бирдан айб топмас эди. Ўқитувчиларимиз биздан янги кийим кийиб, олифта юришни эмас, тоза, озода, тартибли бўлишимизни, аъло баҳода ўқишимизни талаб қиларди. Отам (раҳматлик Санокул Ризокуллов) менга яхши ўқисанг велосипед олиб бераман, шаҳарга - Бухорога олиб бораман, машинага минасан деб ваъдалар бермаган, таъма ёки бирор нарса эвазига елкамга масъулият юкламаганлар. Шунга қарамай биз кишининг совуғи, ёзининг жазирасига чидаб, ҳеч бир зорланмай, баҳона изламай тиришиб-тирмашиб ўқир, янгиланаётган, ўнгланаётган ҳаётимиз томон иштиёқ билан қадам ташлардик.

- Янгиланаётган ҳаёт деганда нималарни назарда тутаяпсиз? - сўрайман.

- Аввало мактаб, ўқиш-ўрганиш, кишлоқ ҳаётига бирин-кетин кириб келаётган техника янгиликлари - буларнинг ҳаммаси биз учун янги дунё, ҳайрат ва ҳавасдан иборат олам эди, дея эслайдиган оқсоқол. - 1947 йилда биринчи марта телефонда гапирганимни, ундан сал олдин - 1946 йили велосипед ми-



И. Санокуллов фаоллар билан

милиция полковниги Талъат Саторов бошчилигида ўтаётгани кўпчилиكنинг кўзини очмоқда, ноҳуш ҳолатларга тийрак назар билан қарашга ундаяпти. Бухоро воқеалари барчамизни ҳушёр торттирди. Бунинг масъулиятини маҳалла ўз бўйнига олиши лозим...

Хар бир маҳалла ўз худудида ишлаб чиқаришни ташкил этиши, кичик корхоналар очиб маҳсулотини сотиш, фойдаси ҳисобидан эҳтиёжманд кишиларни таъминлаш, аҳолига маданий-ахлоқий хизматлар кўрсатиш каби имконга эга. Мухими, оғоҳликни таъминлашда маҳалла масъулият билан киришса ҳар қандай хавф йироқлашади. Президентимиз бунинг нафақат иқтисодий-ижтимоий, балки улкан маънавий ва тарбиявий аҳамиятига эътибор қаратганлари бежиз эмас.

Бугун туман оқсоқоли Имом Санокулловдан эшитганимиз тарихий мисолларга деярли 60 йил ўтаётган бир дамда ушбу хотиралар ёшларимиз учун балки бир эртақ, узоқ ўтмиш бўлиб туюлар. Лекин ҳақиқат шуки, биз бугунги кунларга, халқимизнинг нури истикболига осонликча етганимиз йўқ. Хар нарсанинг қадри қиёсда, ҳақиқат-

ни англаш, тан олишда билинади. Халқ, миллат бўлиб дунёга танилган кунларимиз қадрига етиш, шукронасини айтиш учун ўтмишга қайтиш, қариларимиз эслагандек, яна азоб-уқубатда кун ўтказиш, мутеликда яшаш шартмасдир. Бунинг учун ватанимиз Ўзбекистонни озодлик сари бошлаган Президентимизнинг саъй-ҳаракатларини чин юракдан қўллаш, эл ташвишига шерик бўлиш, ҳушёр яшаш кифоядир. Менимча, ана шундай бурчини англамаган ва бировга англатолмаган фуқародан Ватан рози бўлмайди.

Вилоятимиз туманларида барча соҳа масъуллари иштироки ва ҳамкорлигидаги оғоҳлик йиғинлари Бошқарма бошлиғи,

Яхшилардан сўз очдик

лар, ёлғиз қарияларни қўллаш, тартиб-интизом, ҳушёрликни таъминлаш каби зарур юмушлар маҳалла зиммасида. Туманда "Маҳалла" жамғармаси кўмагидан баҳраманд бўлаётган оила, жамоалар сони кўпайиб, унга нисбатан ишонч, эътибор ошмоқда. Айниқса, туман касалхонасига тиббий тез ёрдам - "Дамас" машинасининг ҳаёти этилиши айни муддао бўлди. Хотира кунни, Наврўз каби оммавий байрам тадбирларини ўтказишда жамғарма бош бўлмоқда. Мақсад кишиларга фақат моддий ёрдам эмас, аҳиллик, меҳр-шафқат улашиш...

- Оқсоқол, сиз каби пиру бадавлат, кексалиги ўзига ярашган, яхшиликка ошно кишиларга ҳамма ҳавас қилади, - дейман суҳбатимиз якунида.

- Ёлғиз киши бахтли бўлмайди, бахтли бўлиш кўп нарсаларга боғлиқ, - дейди Имом Санокуллов. - Оиласидан кўнгли тўқ, бағри кенг, сеvimли касб-корига эга кишини бахтли деб билламан. Юртимиз тинч бўлса, раҳбарларимиз одил, комил бўлишса, бу энди бутун халқнинг бахти.

Янгангиз билан саккиз ўғил-қизни улайтириб элга қўшдик. Уларнинг хар бири ўз касбига эга, мустақил яшайдилар. Фарзандларнинг бири ҳарбий, бирови ички ишларда ишлади, ўқитувчи, ҳисобчи, уста бўлиб хизмат қилаётганлари ҳам бор. Жондор, Шофиркон каби туманларда бўлим бошлиғи бўлиб ишлаган ўн беш йиллик хизматим назаримда беиз кетмади. Рустам Носиров, Собир Ортиқов, айни пайтда Навоий вилоят ички ишлар бошқармасида ишлаётган Мурод Равшанов каби шогирдларимнинг хар бири бугун масъул вазифаларда хизмат қилаётганидан хурсандман. Ҳаётда ўқиб ўрганиш бор, уқиб ўрганиш бор, хар иккисини эплаган ёшларга омад ёр бўлсин.

Ражаббой РАУПОВ,
журналист.



Зубба Эшматова. - Хотин-қизлар орасидаги кўп йиллик иш фаолиятимда шунга амин бўлдимки, илму маърифатдан, маданиятдан йироқ аёлнинг бахту саодати ҳам тугал бўлмайди.

Н. ЙЎЛДОШЕВА

ШУНДАЙЛАР БОР БЎЛСИН

Булунғур тумани марказидаги озиқ-овқат маҳсулотлари дўконига кириб, қизик бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Саксон ёшлар атрофидаги ҳасса сўянган бир кампир гурuch, ёғ, туз олиб, пулини тўлашга тараддулланди. Эти сўягига ёпишиб кетган қўллари қалтираб, рўмолчасига ўраган пулларни санамоққа тутинди. "Қўяверинг, хола, бу биздан сизга сова. Олиб кетаверинг", - деди дўкон мудираси Қўйсин опа ва зўрға ҳассага таяниб юрадиган кампирни эшиккача кузатиб қўйди. Момо бечора кўпдан-кўп дуолар килиб дўкондан чиқиб кетди.

Шундайлар бор бўлсин, кўпайсин бу дунёда, деб қўйдим ичимда. Айтишларича, равази оламда шундай

бағрикенг, саховатли, инсоф-диёнатли инсонлар кўплиги туфайли ҳам тинчлик, осойишталик ҳукм суриб турар экан. Қўйсин опани нафақат туманда ҳалол савдо ходими, саховатпеша инсон сифатидагина эмас, балки маҳаллада ёш ялангларнинг маслаҳаттўйи, қолаверса ўн фарзандни тарбиялаб, барчасини оилали, ўқимишли қилган меҳрибон онахон сифатида ҳам яхши билишади. Қўйсин опа қарийб 45 йилдан бери шу соҳани эъозлаб келаётир. Қарийб ярим асрлик меҳнат фаолияти давомида Қўйсин опа юздан зиёд шогирдлар тайёрлаган бўлиб, уларнинг кўпчилиги ҳозир вилоят ва республика миқёсида нуфузли идораларда меҳнат қилишаётир.



Қўйсин опа турмуш ўртоғи Ҳабий ака билан кечган 45 йиллик бекаму кўст умрлари давомида фарзандларни воёга етказишди, 19 нафар неварани кўришди.

Ҳайрулло ҲАМРОЕВ,
журналист

Аёл - Аллоҳ яратган махлуқотнинг энг қарамлиси, энг мўътабари, энг гўзалли. Аёл - меҳрибон она, жонқур мураббий, шифокор, захматкаш дехқон, оила тебратувчи тужжор, савдогар... Аёллар ҳақида муқаддас китобларда зикр қилинган, уларнинг фазилатлари тавсиф этилган. Аллоҳ Куръоннинг 4-сурасини "Нисо" ("Аёллар") номи билан нозил этди.

Аллоҳ Куръонда покиза аёлларга тухмат қилиб, уларни бадном қилган ва ўз даввосига тўртта гувоҳ келтира олган кимсаларга нисбатан саксон дарра уришни буюрган. Аёллар ҳақида пайгамбар (с.а.в.)дан анчагина ҳадислар сақланиб қолган. Бир ҳадисда: "Жаннат оналар оёғининг остидадир", - дея аёлни муқаррам қилинганлиги бежиз эмас. Зеро, пайгамбар ҳам Аёл фарзанди. Бутун дунё шоирлари, олимлари аёлни мадҳ этиб ой, қуёш, юлдуз сингари табиат гўзалликларига менгашади. Алишер Навоий: "Минг туман нопок эрдин яхшидур, пок хотинлар оёғининг изи", деганлар. Форс-тожик шоирларидан бири: "Ба тарбияи занон бояд пардохт, зеро, ҳар зан як мадраса ист" (Хотинлар тарбиясига эътибор бериш керак, зеро бир хотин битта мадрасадир) деган экан. Мўнуддин Жувайний дебдилар: "Энг яхши хотин шундай хотинки, у ҳаёли ва ориятли бўлади. Энг муҳими, оилада тўкин-сочинлик ва бараканинг сабабчиси бўлади". "Яхши хотин эрини ёшартиради", мазмунидаги мақоллар ҳам бисёр. Булар денгиздан қатра, ҳолос.

Аёллар ҳақ-ҳуқуқи, уларга муносабат масаласи бутун дунё бўйича халқаро қонунларда, декларациялар, "Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция", барча давлатларнинг, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг қонуний-ҳуқуқий ҳужжатларида белгилан берилган.

Мустанқиллигимиз йилларида аёллар масаласи давлат миқёсига кўтарилди. Бу борада қатор Фармонлар эълон қилинди. Шу йил 25 майда Президентимизнинг "Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшма чора-тадбирлар тўрисида"ги Фармони эълон қили-

ниши нур устига аъло нур бўлди. 21 июн куни Оқсаройда Президентимиз ушбу Фармонда белгиланган вазифалар муҳокамасига бағишланган мажлисда: "Агар аёлларга етарли эътибор берилмаса, бундай жамятининг келажаги бўлмаслиги ҳақида, ўйлайманки, узок гапириб ўтиришнинг ҳождати йўқ", - деди. Бу асл ҳақиқатдир.

... Академия шаҳарчасида бир неча йил маҳалла кўмитасини бошқардим. Кўпгина олимлар оилаларида юз берган мо-

Аёли Озодахон эса жуда меҳнаткаш бўлиб, чопон тикиб сотар, қари қайнона ва уч болани боқарди. У ҳар қанча эъзога лойиқ эди.

Яна бир олимнинг хотини эрининг калтаклашдан шикоят қилди. Эрини учратиш, танбех бердим. У: "Исматулла ака, хотинимни урсам, сизни ўзим қақираман, ахволни ўз кўзингиз билан кўрасиз", - деди. Бир оқшом соат 22 ларда қаттиқ ёмғир ёғиб турган эди. Уша куни Олим менинг уйига чиқишимни сўраб,

АЁЛГА МУНОСАБАТ



кўнғироқ қилди. Хонадонига чиқдим. Эшикдан кирсам, хотин бир нарса деб жаврапти. Салом бериб, ахволни сўрадим. Эр ишдан чарчаб келган ва қандайдир ишнинг қилинмаганини айтган экан, хотин узр сўраш ўрнига, у билан баб-баробар айтишибди. "Синглим, эрига тик гапирмаган хотин-хотинларнинг афзалидир, дейилган, бир гапдан қолсангиз, бўларди-ку", - дедим уларни муроасага келтириш учун. "Нимага гапдан қоламан, топар-тутарининг дарағи йўғу, яна дағдағаси ортиқча", - дея менга ҳам жahl қилди хотин. Эр менга қараб: "Бунга гапириб овора бўлманг", - деди-да, қўлимдан ушлаб ташқарига олиб чиқди: «Хозир яримта ароқ топиб келиб ичаман-да, кейин роса дўппослайман, калтак зарбидан жағи тинади ва тинчиб ухлайди», - деди.

Мен уни шаштидан қайтарिशга, барибир аёлнинг заифлигини унуттишга ҳаққи йўқлигини тушунтирдим. Эрак ўйлиниб қолди...

Бу моҳарода албатта айб хотинда. Баъзан толган пулини ароқ, сигаретга сарфлаб, оила ризку-рўзини қирқиб, устига-устак ичиб келиб, хотинини ота-онаси қолмай ҳақоратлайдиган, хўрлайдиган, болалари билан қўшиб калтақлайдиган эрларни ҳам учратганман. Вақтинча мансаб, ҳаром пул ҳаволантириб, уйда ҳалолу пок, солиҳа хотини, ширин-шакар фарзандлари бўлатуриб, фоҳишабозлик йўлига кириб кетган, хотин устига хотин олиб, ёлғиз оналарни кўпайтириб, оилани хор-зор қилган кимсалар ҳам йўқ эмас. Бундай ҳаром йўллар оқибат оилани барбод қилади, ёмон натижалар билан

туғайди. Бундайлар хор-зор бўлганини, шарманда бўлганини кўп кўрганман.

Бугун баъзи ҳамяятсиз, ишёқмас эр-кақларимиз хотинини бозорга чиқариб, ўзлари айшу ишрат қилиб юрибдилар. Ёзининг жазирама иссиғи, қизининг изғирин соғуида бозорда савдо қилаётган аёллар аҳволига назар ташланг, кўзингизга ёш оласиз, буларнинг эрлари қаерда, нима қилиб юрибди, ўзини ўзбек, мусулмон эркакман деб ҳаёлига келтирармикин?

Хозирда: "Аёллар меҳнатсиз жамяят тараққий этмайди", - деяпмиз. Таълим-тарбия, таобот, маданий-оқартув соҳаларида, давлат идораларида, тўқувчилик, тикувчилик корхоналари, илмий муассасаларда аёллар хизмати зарур. Лекин ҳамма жойда меъёр, инсоф, адолат, аёлга нисбатан меҳр-шафқат ва ҳурматни унутмаслик керак.

Ўзбек аёли ҳалол-поқлиги, ифпати, солиҳа, фозила, оқиллиги билан ажралиб туриши керак. Афсуски, ҳамма аёлларимиз ҳам шундай эмас. Фоҳишалар йўлига кириб кетган, фарибгар, ўғри, ичувчи, гиёҳванд аёллар ҳам учраб туради орамизда. Тошкентда троллейбусда кетяпсам, бир 5-6 ёшли боласининг қўлидан ушлаган аёл дугонасига мақтаняпти: "Яхшиям Шухратни туғиб олган эканман, ёлғиз она нафақасини оляпман. Қарим акам рўзгоримни қилиб турадилар". Мана ёлғиз онанинг маънавияти... Бундайлардан жirkanимиз қайратланамиз. Баъзи аёлларимизни нафис миллатга мансублигини ажратолмайсиз, қирқилган ва сариқча бўялган соч, тирнок ўрдак тумшугидай ўсиб кетган, ярим яланғоч. Шундай "сохт-субатли" бир қизни тўхтаб: "Қизим, кўчага шу қиёфада чиқишингни ота-онанг кўрмадимми?" - десам: "Амаки, сизларнинг даврингиз ўтиб кетган, йўлингиздан қолманг", - дея тез юриб кетди. Ҳангу-манг бўлиб қолдим.

Ахир қани момолардан қолган ички маданият, одоб, идрок? Ота-оналар қизлари, ўғилларининг юриш-туриши ҳақида бир ўйлаб кўришса бўларди.

Қизнинг феъл-ида отанинг аёлига бўлган муносабатининг самараси акс этади, дейишади. Демак, аёлнинг фарзандларига ҳар томонлама ибрат бўлиши кўп жиҳатдан эркакка боғлиқ. Ҳа, аёлнинг муқаддаслигини унутмайлик.

Ҳожи Исматуллоҳ АБДУЛЛОХ,
Ўзбекистон фан арбоби,
кестма мураббий.

ҚАРОР БОР, ЛЕКИН...

Биз ечимини кутаётган, асло кечиктириб бўлмайдиган бир муаммо ҳақида ёзмоқдамиз. "Парча Чандир" маҳалласи аҳолиси кўпчилиги жиҳатидан энг катта маҳаллалардан ҳисобланади. Йилдан-йилга ёшлар воёга етиб келмоқда, янги оилалар сони тобора ортиб бормоқда. Аммо уй-жой масаласи муаммо бўлиб турибди.

Аҳолига уй-жой қуриш учун туман ҳокимининг 2001 йил 14 сентябр №199/1 қарорида 6,5 гектар майдон ажратилган. Бунга ҳам қарийб 3 йил тўлаяпти. 6,5 гектар майдон плани чиқарилиб, проектлари тузилган. 53 нафар фуқаро ўтган йили вилоят лойиҳалаштириш институтига ҳар 0,10 сотих майдон учун 6,5 минг сўмдан пул тўлаб, тегишли ҳужжатларини ҳам олиб қўйган. Аммо афсуски, бу ер на уй-жой қуришга берилмади, на бирор акин экилади.

Биз, маҳалла фуқаролари бу масалани узил-кесил ҳал қилиб беришни сўраб туман ҳокимига 2 йилдан буён қатнай-қатнай роса чарчадик. Мутасадди ходимлар ҳар гал катта ваъдалар билан қўйнимизни пуч ёнғоққа тўдиришади. Уй-жой қуриш учун ажратилган (проектлаштирилган) 6,5 гектар ер майдонни ханузгача нега тарқатилмасдан келинапти?

3-4 оила бир ҳовличада тикилиб яшайди. Ҳар бир хонадонда 2-3 талаб келинлар бор. Узаро келиша олмай, қан-

чадан-қанча янги рўзгорлар, оилалар бузилиб бораётир. Айтинчи, бир торгина ҳовличада 2-3 талаб келиннинг яшashi келишмовчиликка олиб бормаيدими, ахир! Бу мусулмончиликка ҳам тўғри келмайди. Бу ерда бир ҳақли савол туғилади. Ер азими ёки инсон? Албатта инсон азис. Шундай экан, қарор асосида ажратилган ер бекор ётса-ю, нега одамлар уй-жой етишмовчилиги туфайли қийналиши керак?

Мухтарам Президентимиз И.А.Каримов 2004 йилни "Меҳр-муруват йили" деб эълон қилдилар. Йилимизнинг маъно-мазмунини чуқур. Қарияларга, ногиронларга, етим-есирларга муруват кўрсатиш, уларнинг яшаш шароитларини янада яхшилаш кўзда тутилган.

Бас, шундай экан нега бизнинг ҳақли талабимиз қондирилмайпти?

Ўрол Ҳамроев, Сори Эгамбердиев, Орол Қозоқов, Гулсара Сувонова, Рабим Хайитов, Хайрулла Қодиров, Сайёра Жуманазарова, Я.Ҳамроев, О.Мавлонов, С.Чарқашева ва бошқалар.

Самарқанд вилояти, Паст Дарғом тумани, Оқунбобоев дехқон-фермер хўжалиги, Парча Чандир маҳалласи.

Назоратимизга олинган мазкур арзи-ҳол Самарқанд вилоят, Паст Дарғом тумани ҳокимиятида ўрганиб чиқилди, амалий чора-тадбирлар қўлланилади ва бу ҳақда бизга ёзма равишда жавоб йўлланади, деиб қутиб қоламиз.

Тахририят

Биз Тошкентдан атиги 70 км. масофада, Оққўрғон туман - "Оққўрғон" дехқон хўжалигининг 2-бўлими ҳудудида яшаймиз.

Аммо, табиий газ ва телефон йўқлиги сабаб қийналмоқдамиз. 2002 йилнинг ёзи ойлариде қишлоққа газ қувурлари

ҚИШ-ҚИРОВОЛ КУНЛАР ЯҚИН...

келтирилди, ишлар жадал бошлаб юборилди. Лекин хурсандчилигимиз узоққа чўзилмади. Бошланган ишлар аросатда қолиб кетди. Муружаат қилиб борганимизда: "Тошкентдан 10 миллион сўм пул ўтган кунни ишни бошлаймиз", - дейишди. Шунга ҳам 5 ой бўлди. Ўрнатган қувурлари ҳам талабга жавоб бермайди, қий-шайиб ётибди. Ундан олиб, хоҳлаган мақсадларида ишлатишди. 150 метр қувур йўқ. Қувур ўрнатган ишчилар ҳам роса пихини ёрганлардан экан. 2,5 миллион сўмлик иш қилиб 5 миллион сўмга акт қилишган. Етмай қолган қувурлар ўрнига янгисини сотиб олиб қўйиш учун оила бошига 25 минг сўмдан пул сўрашди. "Йигиб берамиз. Сиз бизга шунча пулни олганлигингиз учун қивтанция беринг", - десак шу кундан бошлаб қочиб кетишди. Биз ёз бўйи мол гўнгини ёқиб, тирикчилик қилдик. Қишда нима қиламиз?!

Телефон масаласи ҳам жуда қийин. Биз яшаб турган жой хўжалик марказидан 2 км. нарида бўлиб, телефон қилиш лозим бўлса шунча ерга пиёда борамиз. Борганимизга яраша алоқа бўлса хўп, бўлмаса яна қайтиб кетамиз. Ша-

ҳарлараро телефон алоқаси талабга жавоб бермайди. Янги аппарат олиб келинганга 2 йил бўлди. Лекин, ҳеч ким ишга туширишни ўйламайди. Телефон туширишга талабгорлар кўп. Билмадик, нимани ўйлашда масъул ходимлар?!

Иссиқ жон - иситмасиз бўлмайди. Кечасими, кундусими, "Тез ёрдам" керак бўлса, 2 км.га пиёда қолишимиз керак. "Тез ёрдам"га муружаат қилсангиз: "Ё бензин беринг, ёки пул", - дейишади. Бензин, ё пул бериб олиб келсангиз: "Қандай дориларингиз бор?" - деб сўрашади. Шприц, укол дорилар бўлсагина хизмат қилишади. Бу қанақаси, ахир?! "Тез ёрдам" деб аталса-ю, зарур пайтда чақирилганда қуруқ чамадонни кўтариб, савлатларини кўрсатишга келишса?!

Ҳадемай қиш-қировол кунлар ҳам бошланади. Бола-бақрали ҳар бир хонадоннинг ўзига яраша муаммолари бор. Ҳаммага иссиқлик керак, телефон алоқаси керак, "Тез ёрдам" хизмати керак. Ўйлаймизки, биз қаламга олган ҳаётий муаммолар масъул идоралар раҳбарларини бевътибор қолдирмайди, талаб-истакларимиз ўз ижобатини топади.

Маҳалла ахли номидан: Раҳима Жўраева, О.УСМОНОВ, О.ИЕЛЛЕР, М.ҚАРАЖАЕВА, А.МАМЕДОВА, С.АЛАНУРОВА, А.НУРИЕВА, З.БАЙРАМҚИЛИЧЕВА, Д.АЙДИЕВА, Н.БАЙРАМҚИЛИЧЕВА, Б.АЙДИЕВ.

ОНАНИ НИМА

(Боши ўтган сонларда)

Натижа йўқ. Чунки 6 нафар етим ҳеч кимга керак эмасди. Охири бўлмади. 2-3 марта оила кўриб оиласи бузилган бир ўртоғининг синглисига уйланди. Отам бизга қўшнилар: "Бу аёл ким?" - деб сўраса, "ҳоламин", деб айтишлар дея оғохлангирди. Бу аёл Самарқанд шаҳридаги кўчалардан бирини супурар экан. Бирон ҳафта ўтгандан сўнг унинг ўрнига ишга синглим иккаламиз борадиган бўлдик. Бунинг учун эрталаб соат 4 да ширин уйқудан туриб, 3-4 чақирим жойга пиёда юриб бориб, ишни бажариб яна пиёда қайтардик. Соат 8га яқин ҳамма болалар қатори мактабга борардик. Ҳафтада 3 марта кечаси мен отам ўрнига қоровуллик қилардим.

Шу аҳвол анча давом этди. 1960 йилнинг сентябри бошланди. Кийиб борадиган кийим бўлмаганлиги учун мактабга бора олмасдим. Отам мажбур бўлиб, ўғай онамга 25 сўм бериб, менга уст-бош сотиб олишни буюрди. Бунга синф раҳбаримизнинг илтимоси туртки бўлди. Ўғай онам билан Сибб бозорига уст-бош олишга бордик. Бозорни айланиб юрганимизда бир киши қўл соатини сотмоқчи эканлигини кўриб, ўғай онам уни 23 сўмга сотиб олди. Пул тамом бўлганлиги учун уйга усти-бош-сиз қайтдик. Мен ўғай онамдан нафратландим. Жанжал қилдим. Ўғай онам кечкурун отамга менинг устимдан шикоят қилди. Отам менга қараб: "Хоҳласанг шу, хоҳламасанг уйдан чиқиб кет", - деди. Мен жаҳл устидан уйдан чиқиб кетдим.

Шундай қилиб, 1960 йилнинг декабр ойи ўрталарида бошпана излаб Лутфулло тоғамниқига боришга мажбур бўлдим. У Сибб бозори ўртасида жойлашган "Қизил чойхона" ресторанида бошлиқ эди. Ҳовлисида 10 сотиқ ери ва мол-қўлларни бор. Бешта кизидан энг каттаси Матлуба 7 яшар. Тоғам билан бирга буви ва онамнинг биринчи оиласидан бўлган Моҳира опам ҳам улар билан яшарди. Хуллас, қиш бошланди. Менга ота-онаси йўқ болалар қатори мактаб томонидан уст-бош беришди. Мактаб директори катта тоғам, раҳматли Раҳматулло эди. Ушанда 7-синфда ўқирдим. Пахта теримида яхши қатнашганлигим учун мукофотга берилган қалишни кийдим. Костюмнинг тағидан кийишга қўйлагани йўқлиги учун, мактаб берган костюми майка устидан киярдим. Бир йил давомида тоғамнинг томорка ерини ағдариб, деҳқончилик қилиб, маҳсулотини бозорга олиб бориб сотиб, пулини бир сўм қол-

дирмай топширардим. Тоғамнинг уйида яшарканман, бу ердагилар бирон-бор онамни эслашганини эшитмадим. Кейин билсам, бу оиладагилар бойликка учиб, ҳаммани ёддан чиқарган экан. Бир

УЛУҒЛАЙДИ?

куни тоғам ишдан ичиб келиб: "Кулни нега олмадинг?" - деб жанжаллашиб: "Онангни мен кўмганман, шунга биласанми?" - деб сўқди. Қўлимга пақирни олиб уй ичидаги печканинг кулини олишга шайландим-у, бугаллардан сўнг пақирни жойига қўйиб, тоғамга бир қарадим-да, уйдан чиқиб кетдим.

Мактабда қишки таътил бошланган эди. Тўғри синфдошим Темурухоннинг уйига бордим. 2-3 кундан сўнг юриб, китобларимни олиш учун тоғамниқига келдим. Бирон киши экан, Моҳира опам, тоғамнинг хотини, қаерда юрибсан; нима единг, нима қўйдинг, демади. Тоғамнинг хотинидан китобларни солиб кетиш учун қў сўрасам: "Тоғамгиз уришадилар", - деб баҳона қилиб қолни бермади. Тоғамнинг бобомдан қолган ҳовлиси бор эди. У ҳовлиям мактаб яқинида жойлашган. Бўм-бўш, бир томони вайрона ҳовлида қандайдир кичкина меҳмонхонаси бузилмай қолган экан. Ахлатларини тоза-лаб, ўша ердаги эски йиртиқ палосни қоқиб тўшадим. Дарслик китобларимни олиб келдим ва шу уйда яшай бошладим. Қариндошимизга уйланган Хошим ака Қилчех (асли хатирчилик), СамДУ битирувчиси, менинг яшаш шароитимни кўриб, уйига таклиф қилиб, хол-аҳолимни сўраб: "Баҳром, сенга бир маслаҳатим бор. Хафа бўлмасанг айтаман", - деди. "Айтинг, хафа бўлмайман", - дедим. "Менинг ўртоғим "болалар уйи"нинг директори, рози бўлсанг сени шу ерга жойлаштириб қўяман. У ерни ёмон деб ўйлама. Не-не алломалар ҳам шу ердан чиққан", - деди. Мен ўйлаб кўришимни айтдим. Ўқиб таътилни ҳам тугади. Мактабга бордик. Энди мен мактабдан чиқиб тоғамниқига эмас, балки тоғамнинг эски ҳовлиси томон кетардим. Буни сезган синфдошларим пойлаб орқамдан келиб, яшаш шароитим йўқлигини кўриб мени кўймасдан ўзлари билан олиб ке-

тишди. Тоғамнинг уйдан аразлаб кетганимни кимдир ўғай Ашур акамга айтган бўлиши мумкин. Ашур акам мени кўчада кўриб қилиб: "Қаерда, нима қилиб юрибсан?" - деб сўроққа тутди. Мен: "Жўраларимниқига юрибман", - дедим. "Онам (менинг онамни назарда тутаяпти) менга: "Болаларни сенга топширдим,

Турмуш сабоқлари

дейшни билмай: "Э, ота танимадингизми, бу йигит укам Баҳром-ку!" - деди. Отамни биров теггандай жойидан туриб: "Э, ундай бўлса, кўришайлик", - деб қучоқлаб олди. Шундай қилиб ота-ўғил танишиб олдик. Отам менга уйга қайтиб, ўзи билан яшашни таклиф қилди. Мен рад этдим ва ўғай онани кўрсам, ўша қилган зулми ёдимга тушишини айтдим. Яна Душанбе шаҳрига ишимга қайтдим.

Кейинчалик билсам ўғай она онамизнинг қиёфасини укаларим хотирасидан тамомила ўчириб ташлаш учун уйдаги кўрпачушаклар, рўзгор буюмларини ва энг ачинарлиси, онамнинг расмларини чиқариб ташлаб, йўқ қилган экан. Бунга ишониб қийин. Бирок ҳайвон табиат инсон бунга қодир экан. Бу ваҳшийликлар содир бўлишига авваламбор отам айбдор. Отамни биз, фарзандлари учун онамиз хотирасини сақлай олмаганлиги мен учун жуда ачинарли бўлди. Ёки онажонимни чин қалбимдан, юрагимдан яхши кўрганам учун менга шундай туюлгандир. Энди бу аёл бизнинг уйда, онамнинг қадами теккан хонада яшамаслиги мен учун асосий мақсад бўлди ва орадан бир йил ўтгач, бу аёл ўз розилиги билан уйимизни тарк этди. Мен ҳам мусофирчиликда 10 йил юриб, отамни қариган чоғида қўллаб-қувватлаш учун унинг ёнига қайтдим.



сени Худога", деб васият қилган эдилар", - деб мени ўзи билан уйга олиб кетди. Шу билан "болалар уйи"га бормадим.

Тўрт йил ўрта мактабни тамомлаганимча, Ашур акамниқига уй-рўзгор юмушларига ёрдам бериб юрдим. Отам шу 5 йил ичида мени бирон марта сўраб келмади. Улар ўғай онам, Мастура, Бибиҳоним, Алимардон укаларим билан Чоршанба қишлоғидаги эски ҳовлимизга кўчиб кетишган эди. Мендан кичик синглим Мавлуда ҳам уйдан чиқиб кетганлигини билдим. Онамнинг васиятига амал қилиб, ўқишни давом эттириш мақсадида Душанбе шаҳрида беш йил ўқидим. Самарқандга, Ашур акамни ва оила аъзоларимни ахтариб келдим. Акам менга насихат қилиб, у билан отамниқига боришимни таклиф қилди. Мен: "Бормайман, ўғай онани кўришни хоҳламайман", - дедим. "Ҳаммаси яхши бўлади, отам хурсанд бўлади", - деб мени кўндирди. Охири бирга бордик. Сандалнинг атрофида отам, онам, укаларим ўтирган экан. Салом бериб кирдик. "Э, меҳмон келди, келинлар", - деб отам пешвоз чиқди. Отам ўғай онамга имо қилиб, ош қилишни айтди. Бизлар сўхбатлашиб ўтирдик. Ошни олиб келишди. Дастурхонни йиғиштиргандан сўнг, отам акамга қараб, мени кўрсатиб: "Бу йигит қайнинг бўлади-ми?" - деб сўради. Акам нима

онам қабрини зиёрат қилишга борсам, назаримда атрофдаги қабрларга нисбатан онам қабри тезроқ сабаз ургандай, киминдир излаётгандай, киминдир кутаётгандай безовта кўринди. Гўёки онам кўп орзу-ниятларини, олам-олам меҳрини, қўвончини ўзи билан олиб кетгандай эди. Энди мен уни топгандай у ҳаммасини менга, укаларимга бермоқчидай туюларди. Афсуски, бу фақат афсонавий орзулар бўлиб қолди. Ҳамон менинг кўзим олтидан онамнинг қалтак еганлари, кетмон урганлари, оч юрганлари, кийишга уст-боши бўлмаганлиги, қариндошу фарзандларининг унга нисбатан лоқайдлик қилиб қабрини сақлай олмаганликлари, ўз онасининг дафнига қатнашмаган ўғлининг қиёфаси турарди.

Энди мен барвақт туриб онамга салом бера олмайман, унга истаган қўйлагини тўхфа қила олмайман. У назира, авваларининг тўйини кўра олмайди, қўл очиб дуо қила олмайди. Бунда кимнинг айби бор? Балким, буни "тақдир" дерлар.

Минг афсуски, онамнинг тақдирига ўхшаш тақдирлар оз эмас. Менга қолса бу каби тақдирнинг такрорланмаслигини хоҳлар эдим. Лекин инсон - бу тақдир, бу ҳаёт ташвишлари, деб ўзига тасалли бера экан. Онам қабри устидаги тошга шундай мисраларни ёздирдим:

**"Бориши борон зи ашқи
дидаат ёд оварад,
Баргзирон аз гули ноҷидаат
ёд оварад.
Дилам хоҳад навозишқон
чашмони туро имруз,
Сарам хоҳад навозишқон
дастони туро имруз.**

**Маъноси: Ёққан ёмғир кўз
ёшларини эслатади,
Туюлган яроқлар термаган
гулларини эслатади.
Кўзларининг силашини
хоҳлайди, кўнглим,
Кўларининг силашини
хоҳлайди, бошим.**

Бу мисралар шоир Лоик Шералининг "Модарнома" китобидан олинган.

"Жаннат оналар оёғи остида", - деб бекорга айтилмаган. Буларни ёзишдан мақсадим шуки, ота-оналаримизни иложи борича улуғлаш, турмуш ўртоғимизнинг, фарзандларимизнинг қадрига етиш, уларга беҳуда озор бермаслик, агар бу дунёни тарк этган бўлсалар қабристонга бориб, яқинларимизнинг қабрини зиёрат ва обод қилиш, ота-онасиз қолган етим-есирларга мурувват қилиш, ёш авлодни шу йўлда тарбиялашдир.

**Баҳром ИСТАМҚУЛОВ,
Самарқанд вилояти.**

МУАЛЛИФ ҲАҚИДА СЎЗ

ят миқёсида раҳбарлик лавозимларида ишлаб келган бўлса ҳам, кўзга ташланган мол-дунё орттирган эмас. Оддийгина, камтарона яшайди.

Вилоятнинг қайси туманига бориб, Баҳром акадан гап оҳсангиз, дарров уни танийдиган одам топилади. Фарзандлари ҳам ота изидан борган, хавас қилса арзиғулик, ақл-фаросатли болалар.

Устоз ҳақидаги дил сўзимизни айтиб адо қилишимиз қийинлигини тан олган ҳолда, Баҳром акага ижодий ишларига омадлар ёр бўлишини тилаймиз.

**Алишер ЭРГАШЕВ, Рустам НИЁЗОВ,
Хирожиддин СИРОЖҚУЛОВ, Олим-
жон РАҲИМОВ, Аслитдин ЖўРАЕВ,
Фаррух РАФИКОВ.**

Самарқанд шаҳри.

БАҲРОМ АКА КИМ УЧУН ЁЗАДИ?

Баҳром Истамқулов ёшлар учун ёзади. Унинг мақолаларида инсон мақсадига эришиш учун ҳаёти йўлида учрайдиган қийинчиликларни сабр-тоқат билан енгиши лозимлиги, ота-онаси, оиласи, ет-тозларини ҳурмат қилиши, қадрига етиши лозимлиги ҳаётий воқеалар асосида ёритиб берилади.

Баҳром ака мақолалари узун, нотекис ҳаёт йўлига эндигина қадам қўйиб, ўз тақдирини яратаётган ёшлар учун об-ҳаводек зарур деб ўйлаймиз. Тақдир тақозоси билан биз Баҳром ака билан бир ҳамоада ишлаймиз. Баҳром ака олти йил давомида бизга ўхшаш 20 га яқин ёшларга мураббийлик қилди. Бугунги кунда шоғирдлари раҳбар ўринбосари, бўлим бошлиғи, бош мутахассис, оддий ҳодим

сифатида муваффақиятли фаолият кўрсатишмоқда. Энг асосийси корхонамиз ўзини-ўзи малакали ҳодимлар билан таъминлашига эришилди. Бунда Баҳром аканинг хизмати каттадир.

Баҳром ака тушунмайдиган соҳа йўқ. Иқтисодиётни, молияни, сиёсатни, педагогикани, журналистикани, руҳшуносликни ва бошқа соҳаларни назарияда эмас, амалиётда билди. Шу туйғайли ёшларни тарбиялаш, улар қалбидан танлаган касбига муҳаббат уйғотишга эриша олади. Ёшларни инсофли, диёнатли бўлишга қўрлайди.

Баҳром ака туйғайли "Оила ва жамият" рўзномаси бизнинг жамоамизга кириб келди. Газетани идора фаррошидан тортиб раҳбарларгача қизиқиб ўқишди. Бу Баҳром аканинг ёшларни тарбиялаш йўлидаги яна бир ижобий иши деб айтиш мум-

кин. У кишининг мақолалари вилоят вақт-ли нашрларида ҳам чоп этилмоқда.

Баҳром аканинг "Оила ва жамият" да чоп этилган "Устоз жабри ота меҳридан афзал", "Бегона вафо қилса-қариндошдир", "Онани нима улуғлайди?" мақолаларини кунт билан ўқиб, ўзимизга шундай савол бергимиз келади: «Наҳотки шу оқ кўнгли, хушчақчақ, ҳаётидан мамнун кўринишдаги одам шунча қийинчиликларни бошидан кечирган бўлса?»..

Ибралти хислатлари борлиги учун бўлса керак, унинг ёшини аниқ айтмаган, деган одам адашади. Баҳром ака ярим асрдан кўпроқ умр кўрган бўлса-да, сочларига эндигина оқ тушган. Биз-ёшлар қизиқиб, унда, - «Қаримасликнинг сири нимада?» - деб сўрасак, «-Бунинг сири виждонга қарши иш қилмасликда», - деб жавоб беради. Дарҳақиқат, устозимиз Баҳром ака вило-

- Бир умр одамларнинг бир-бирларига бўлган дилномаларини ташидим. Ёшлигимда бу меҳнатим мени яшаш учун маблаг билан таъминласа, ҳам менга завқу шавқ бағишларди, - дея ҳикоя қилди ёши анчага бориб қолган киши.

«Дўстмат ака» деб ўзини таниш-тирган сўхтабдешнинг табиадан анча оққунгил ва самимий инсон эканлиги кўриниб турарди.

ХАТ ТАШУВЧИНИНГ ИЗТИРОБИ



тирарди. У қўшнимизнинг ўғли Мухторали билан қалин дўст эди. Иккиси бирга дарс қилишарди.

Шу орада маҳалламизга бир оила кўчиб келди. Улар яхши инсонлар экан, бирпасда маҳалламиздагилар билан апок- чапоқ бўлиб кетишди. Чиндан ҳам Боймат ака катта лавозимда ишлашига қарамасдан ҳамма билан жуда самимий гаплашар ва кўлидан келган ёрдами одамлардан дариг тутмасди. Унинг бир-биридан зебо ва гўзал уч нафар қизлари бор эди. Маҳалладагиларнинг кўпчилиги уларни келин қилиш дардига тушиб қолишганди. Мен ҳам шу қизлардан бирини келин қилишни орзу қилардим.

Мўлжаллаб юрган қизни назаримда ўғлим ҳам ёқтириб қолганди. Бир-икки марта тунда ўйғониб кетиб, ўғлимни Малика билан гаплашаётганини эшитдим.

- Мухторалининг мендан нимаси ортик экан, Маликаҳон? Менинг мактабларимга жавоб ёзмадингиз? Нега? дея, - яларди ўғлим унга.

Онигини айтсам боламга жуда раҳимим келди. Лекин бу борада қўлимдан ҳеч нарса келмасди. Ваҳоланки, ўғлим у қизга уйланмаса бахтсиз бўлади. Мен эса унинг бахтли бўлишини истардим.

- Кейин нима қилдингиз?

- Э, нимасини айтасиз? Улар мактабни битиришгандан кейин, биргаликда Марказдаги институтлардан бирига ҳужжат топширишди. Буни қарангки, ўғлим ҳам,

Мухторали ҳам ўқишга кириб кетишди. Жуда хурсанд эдик. Шу орада бир йил ўтди. Улар таътилга ҳам келишди.

Маҳалладаги қизлар орасидан Машрабжонга мос келадиган қизларни ўзимизча келинликка танлардик. Аммо, унинг кўнглидаги маҳбубасини эса... Фақат ўзимгина билардим.

Мухторали эса таътилга кела солиб тоғаси билан уй қуришга киришди. Хуллас, тиришқоқ бу бола ўқишга кетгунича уйни битказиб, ҳатто, оқлаб ҳам берди. Августнинг охирида эса иккисини самолётга кузатиб чиқдик.

Афсуски, менинг юрагимни бир нарса қуртдек кемирарди. Бир куни Мухторали билан Маликани хуш-хандон ҳолда гаплашиб турганини кўриб қолдим. Менинг ўғлимга қиё бокмаган, у билан бир марта ҳам учрашишни истамасдан қиз у билан бахтиёр эди. Бу эса менга жуда алам қиларди.

Келаси йили Мухторали таътилга келмади, кела олмасди. У катта бир ташкилотта ишга кирибди. Унинг келмаганидан хурсанд эдим. Ўғлим билмаган ҳолда унинг кўнгли ишдан хабардор бўлиб юрганам учун бирор хижолат ҳам бўлардим. Агар хат ташувчи бўлмади бошқа ишда ишлаганимда номаъқул ишни қилмаган бўлардим...

- Қандай номаъқул ишга қўл урдингиз?

- ... Бир куни "Талаб қилиб олгунча" бўлимидаги мактубларни берадиган ҳодим касал бўлиб қолди. У соғайиб чиққунча бир ой шу жойда ишлаб турдим. Хатларни саралаётиб, Мухторали ва ўғлимдан келган хатларга кўзим тушиб қолди. Иккиси ҳам бир қизга, Маликага мактуб ёзишганди. Шу тобда ҳар қандай андишани ҳам унутиб қўйиб, мактубларни очиб ўқидим. Биттасида севгининг гўзал ифодидан масрур дилнинг бахтиёрлиги сезилса, иккинчисида алам, армон ва изтиробнинг иси келиб турарди. Афсуски, иккинчи мактуб ўғлимники эди. Севгиси рад этилган бола калбадаги изтироблари, нолалари билан яна бир бор мактуб йўллаганди.

Шунда мен разиллик қилдим. Кўнглимни ҳасаднинг жирканч қуртлари кемирарди. Мухторалидан келган мактубни йиртиб ташладим. Урнига бошқа хат ёздим. Айтгандек, мен моҳир ҳаттот ҳам эдим ва истаган ёзувини ўхшата олишдек ноёб (жирканч) истеъдодим бор эди. Хатни олган бечора қиз эсанкираб, кетма-кет мактублар ёзарди. Мен эса қизнинг севги ва садоқат уфуриб турган хат-

ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

ларини ҳам очиб ўқиб, Мухторалининг дилини музлатадиган гапларни битардим ва жўнатиб юборардим. Бу ишларим самара бера бошлади. Устига устак Маликага бир неча марта совчиликка бордик. Отаси : "Мен нима ҳам дердим. Ёшлар гаплашиб кўришсин. Машрабжон ҳам яхши бола..."-дея кўнглимга умид солди. Биз эса тўйни тезлаштириб юбордик. Августда ўғлим ўқишга истар истамас кетди. Мен келиннинг авзойига синчиклаб зеҳн солиб юрардим. У баъзиларга ўхшаб бахтдан гул-гул очилмади. Чунки, қилар ишни ўзим қилгандим. Мақсадим ёмонлик эмасди, боламнинг бахтини ўйлаб шу ишни қилгандим. Хуллас, Машрабжон кетаётганда келиним ҳомилдор эди. У ўғил қўрди. Шу пайтлардагина унинг чеҳрасидаги ҳасрат, кўзларидаги мунг бироз йўқолгандек бўлди.

Мана, шу воқеага ҳам ўттиз йилдан ошди. Мухторали ҳам уйланди. Бошқа жойга кўчиб кетишди. Айтишларича қизчасининг исмини Малика қўйганимиш. Малика ҳали ҳам уни севишга ишонаман. Уларнинг пок севгиларини худбинлик билан поймол этганим рост. Иккиси ҳам нима сабабдан қутилганда пок муносабатларига дарз тушганининг сирини ханузгача билишмайди.

Биламанки, ўғлим келинимни қаттиқ севгани билан Маликанинг кўнглида эрига ҳеч бир илиқлик йўқ. Сиртдан қараганда ҳаммаси ҳавас қилгудек... Аммо... Йиллар давомида бу қилмишим мени адои тамом қилди. Дўстмат ака шуларни айтиб чуқур "ўх" туртди.

Чиндан ҳам кўнглини синдириб, боқира севгини қуйдириб, қилга айлантирган, оқибатда ўзи тинчлини йўқотган бу инсонга нима ҳам дердик? Дилингиз ўртанибдими, хотиржамликдан айрилибсизми, жазоингиз шу-да, биродар. Оллоҳнинг ўзи аяхшигина жазолабди. Сиз энг бебаҳо нарсаларингиздан махрум бўлибсиз. Начора, сиз ҳам ўзгаларни бебаҳо тўғйларини ўғйралаган эдингиз-да, йўқотмоқнинг нақадар оғирлигини кеч бўлса-да энди тушунгандингиз?

ГУЛБАШАҚАР

- Фаргона вилоятининг Бешарик туманидан кўнгирак қилаяман. Ёшим 65 да. «Наби бува»,- деб мурожаат қилавер, қизим.

- Ҳўш, буважон! Сизга қандай муаммо азоб бераёпти?

- 1976 йилда турилган Муножот исмли қизим бор. Шу қизимни яхши ниятлар ила турмушга узатгандим. «Санжарбекнинг оиласи бизга тўғри келмайди», - десам қизим тушмагур: «Агар шундан бошқасига берсангиз, тўйдан кейин қайтиб келаман», - деб оёқ тираб туриб олди. Қизимни бахтсиз бўлиб қолишига сабабчи бўлмай, деб ўйлаб рози бўлсам-да, юрагимнинг туб-тубидан норози эдим. Муножот қизлардан бош фарзандим бўлгани учун эл-юртга чиройли қилиб тўю-томоша ўтказдик. Сепсидиргаларини ҳам, кишлоқнинг олди қизлариникидан кам қилмадик. Аммо тўйдан кейин муаммолар пайдо бўла бошлади. Кўевимиз Санжарбекнинг қўлида касб-кори йўқлиги боис, рўзгорни тебрататишга қўйнала бошлади. Бир-икки ёрдам бериб қўрдик, охири уларни боқижонимизга теғди. Қизимнинг қайнотаси: «Ўз арваларингизни ўзларингиз тортинглар», - дея қишлоқ четига уй солиб алоҳида қилиб қўйишди.

- Кўёв ёлани-ку қўлида хунари йўқ экан, қизингизни бирорта билим юртида ўқитмаганидингиз?

Кўнглимда қизимни ўқитиб олиш маълумотли қилиш ниятим бор эди, Муножотнинг ўзида хоши бўлмаганидан кейин уни мажбурламадим. Онаси маҳалламиздаги бир чевар аёлга шогирд қилиб берганди. У ерга ҳам икки-уч кун бориб кейин бормай қўйди. Иккита фарзандли бўлгач, тирикчилик ўтказишлари янаям оғирлашди. Кўёв бола маҳалланинг эркакларига қўшилиб, Ташкентга бориб ишлаб кела бошлади. Қизим икки бола билан янги ҳовлида қолаверди.

Муножотни ёшлиқдан кўнгли қўйиб юрган Аббор исмли синфдоши бор экан. Қизим уни эмас, Санжарбекни танлаган экан. Абборни алами ичиде қолганми, ё кўёвим йўқлигидан фойдаланиб қолай деганми, бир куни тунда фахш нияти билан қизимнинг уйига кирган. Ташқари совуқ, чироқлар ўчиб қолган экан. Муножот эрим келди, деб ўйлаб шамчироқни ёқса, бегона эркак эмиш! Бақир-чақир қилиб қўшилларни чақирибди. Болалар уйғониб йўғлаша тушган. Йиги-сиги овозини эшитган қўшиллар етиб келишгунча Аббор жуфттаки ростлаб қолди. У қизимга ҳатто қўлини ҳам теккизишга улгурмаган. Аммо кишлоқда ёмон гап тарқалди. Воқеадан хабар топган қудам: «Энди ўғлимга бундай хотин керак эмас»,-деб қизимни болалари билан уйимизга ташлаб

Кўнгиракларингиз...

кетди. Муножот ўзига келиб, соғлигини тиклаб олгач, қудамникига бориб орани очик қилиб келдим. «Болалари гувоҳ, қизимнинг номуи топталмаган. Санжарбек Ташкентдан келсин, хотини билан яшаш-яшамасликни ўзи ҳал қилади», десам у: «Йўқ, қизингни олиб кет,

ҳам ажратиб қўйилади», - дея шарт қўйилди. Яқинда ён қўшним Шарифжон қизини узатди. Бўлиб ўтган воқеалардан бебаҳар ўғилчаси бизнинг оиламизни ҳам тўйга айтиб чиқиб кетди. Хурсанд бўлиб ошга кирганимни биламан, ҳамма эркаклар саросимага тушиб қолишди. Секин бир чеккага бориб ош

ёб ўтирсам, маҳалланинг каттаси қўшнимни ёнига имлаб чақириб: «Хозирок Наби ақани тўйдан чиқариб юбормасангиз ҳамма эркаклар чиқиб кетамиз», - деди. Шарифжон саросимага тушиб нима қилишини билмай қолди. Мени чиқариб юборай деса, 50 йиллик ён қўшнимиз, чиқариб юбормай деса, умид билан тўй қилаёпти, маҳалланинг одамлари кетиб қолишдан қўрқади.

Шарифжонни ноқулай аҳволдан қутқазиш учун секингина ўрнимдан туриб чиқиб кетдим. Шундан бери дунё кўзимга қоронғу кўринади. Болаларим ҳам кўча-қўйда бош кўтариб юролмай қолишди. Оллоҳнинг берган умри туаганимди ёки мени айбим билан бўлдимки, қудамнинг ўлими бизнинг оиламизни пароканда қилиб юборди. Қизимнинг ор-номусини химоя қиламан, деб гуноҳга ботдим.

- Абборнинг тақдири нима бўлди?

- Абборни ҳам маҳалласидагилар қишлоқдан чиқиб кетишга

мажбур қилишди. Хозир оиласи билан Жиззах шаҳрида яшаёпти. Қизим икки боласи билан ўз уйда. Борзорга чиқиб ул-бул сотиб тирикчилик ўтказаяпти. Чунки хўжайини уй-жой, болаларини ташлаб онасиникида яшаёпти. Уларнинг кейинги тақдирлари нима бўлади, ёлғиз Оллоҳга аён. Мен фақат бир нарсадан — умримнинг сўнги дамлари қандай кечишидан ташвишдаман. Эрта-индин куним битиб, бу дунёдан ўтсам-у, мени тобутимни икки ўғлимдан бошқа ҳеч ким елкалаб мазоримга олиб бормаса?... Невараларимга тўй қилиб, эл-юртга дастурхон ёзсам-у уларнинг тўйларига ҳеч ким келмаса? Энди нима қилсам тўғри бўлади? Қизикўнглимнинг жабрини тортдим. Ҳамқишлоқларим мени кеңиришармикан? Менга ўз мислахатингизни беринг, азиялар.

- Отаҳон! Мен сиз яшаб ўтган умрнинг эндигина ярмини босиб ўтдим. Сизни ҳаётий тажрибаларингиз жуда катта. Аммо бир нарсани айтишим мумкин-ки, ўзингизда куч-ирода топиб, кишлоқдошларингизни бир жойга тўплаб, улардан кечирим сўранг. Сизни узрингизни қабул қилиш-қилмаслик уларнинг виждонларига ҳавола. Зеро, Оллоҳ ҳам кечиримли инсонларни асраб-авайлайди.

Нигора Йўлдошева

ОР-НОМУС ДЕБ ГУНОҲГА БОТДИМ

воқеага қандай муносабат билдирди?

- Кўёвим Ташкентдан қайтиб келиб, ҳамма гап-сўзлардан оғоҳ бўлди. Икки боласини етим қилмаслик учун қизим билан яшай бошлади. Афсуски, шу орада қудам касал бўлиб яна шифохонага тушиб қолди, у яша ерда вафот этди. Бутун қишлоқ ахли қудамнинг ўлимида мени айблаб маҳалла-қўйдан ажратиб қўйишди. «Кимда ким Наби ақани хонадонини тўй-тўйчиққа, маъракаларга таклиф қилса, улар билан қўшнимчилик қилса, ўша одам

дир. Шундан бери дунё кўзимга қоронғу кўринади. Болаларим ҳам кўча-қўйда бош кўтариб юролмай қолишди. Оллоҳнинг берган умри туаганимди ёки мени айбим билан бўлдимки, қудамнинг ўлими бизнинг оиламизни пароканда қилиб юборди. Қизимнинг ор-номусини химоя қиламан, деб гуноҳга ботдим.

- Абборнинг тақдири нима бўлди?

- Абборни ҳам маҳалласидагилар қишлоқдан чиқиб кетишга

БУГУНГИ КУН ОТА-ОНАСИ

Назаримда ҳозирги кунда болалар жуда ёшлигидан энгил ҳаётга ружу қўймоқда. Кийинишидан тортиб хулқ-атворигача фарбга тақлид қилишаётганини сезиш мумкин. Ёшлар дискотекаларга боришни, соатлаб видео ёки телесериаллар томоша қилишни, компьютер ўйнашни хуш кўради. Эҳтимол, бунинг ёмон томони йўқдир, лекин биргина дискотека ёки телесериаллардан бола нималарни олади-ю, қандай дунёқарашга эга бўлади?

Латиф исмли ўқувчим дискотекага бориб, қизларни "боплагани" ҳақида ўртоқлариغا завқ-шавқ билан гапириб бераётганини эшитиб қолдим.

- Латиф шу гапларни гапиришга уялмайсанми? - дея унга дакки бердим. - Сенинг ҳам опанг, синглинг, онанг бор. Бирор қиз ҳақида гапиришдан олдин шу нарсани ёддан чиқармаслигинг, ўзгаларни ҳурмат қилишинг лозим, - дедим.

- Домла, - деди Латиф гапимни охиригача эшитмай. - Мен рост гапларни айтаётганим учун уриша-рипсизми? Сиз ўзингиз бориб, ўша қизларнинг қилигини кўрсангиз, билардингиз... Йигитларга ёпишиб, тамаки чекишларини айтмайсизми? Кийинишларини-ку, гапирмас ҳам бўлади.

Мен ўқувчимнинг эътирозига дил-дилдан иқроз бўлсам-да, аммо унинг "оғзига эрк беришига" қўшилмадим.

Мен яшайдиган кичкина маҳаллада ҳамма бир-бирини яхши танийди. Хар кун ишдан қайта туриб маҳалламиз аёлларини

кўчада бемалол гаплашиб ўтиришганининг гувоҳи бўламан. Сухбатга қўшилмай, саломлашаману, уйга ўтиб кетаман. Биламанки, суҳбат мавзуси "Ким қандай яшайди, кимнинг қизига совчи келди, кимнинг қариндоши қаерда ишлайди", сингари гийбатдан иборат. Аёлларнинг орасидан ёлғиз Гулчехра опанинг фарзандлари коллеж ва олийгоҳда ўқийди. Мен бир гал зарурат юзасидан Гулчехра опа билан гаплашиб қолганимда у: "Нега сиз ҳам даврамизга қўшилмайсиз?", - деб сўради.

- Сизларнинг "гап"ингизда фақат гийбат бўлса, нима қиламан аралашиб, - дедим мен ҳам. - Болаларингиз қандай китоб ўқияпти, қанақа кино кўраёпти, унинг ўртоғи ким - бу нарсалар сизларни қизиқтирадими?

- Вой, айланай, секин айтасизми? Албатта болаларимнинг тарбияси биринчи ўринда-да! Энди кўшнилар билан гаплашмасангиз ҳам бўлмас... - деди Гулчехра опа лаб тишлаб.

- Мен "гап"га қарши эмасман, лекин оналарининг орқасида турган болалар ҳам катталарнинг гап-сўзини эшитиб, тарбияси бузилади-ку!

Дарвоқе, ота-она бола учун энг биринчи тарбия, ибрат мактаби ҳисобланади. Гўдаклигидан у ота-онасининг қарамоғида бўлади, яхши-ёмонни, оқ-қорани танийди. Мактаб ёшига етгунча у деярли шаклланиб бўлади. Демак ўшангачаям ота-она болага йўналиш беришга улгуриши керак.

... Ёдимда, бололик даври-мизда тенгдошларимиз доим биринчи бўлишга интилишарди. Яъни ўқишда, спортда биринчилик урф бўлган олтин даврларни бошдан кечирганмиз. Ота-оналаримиз ўқитувчилар

«Oila муқаддас маскан» - 28-сон.

Болалар тарбиясида отанинг қаттиққўл-лиги, онанинг меҳрибонлиги ҳал қилувчи омилларандир.

Муаллиф: Холмат САМАТОВ

билан ҳафтада икки-уч марта кўришмасалар бўлмасди. Ҳозирги кун ота-оналари-чи?

Улар 9-синфда ўқиётган боласининг "Нексия" машинаси хайдашини, қизига қанча сеп йиғиб қўйгани, бошқа бирови эса ўглининг орқасидан қанча қизлар "юғраётгани" ҳақида фахр билан гапиришади.

Баъзи ота-оналар фарзандининг нечанчи синфда ўқиётганини ҳам билишмайди, баъзилари эса иш билан овера бўлиб, болаларнинг уззу-кун нима иш билан машғул эканлиги ҳақида тасаввурга ҳам эга эмас.

Мен болани нихолга ўхшатаман. Унинг келажақда қандай Инсон бўлиб етишуви бугун ота-онасининг бераётган тарбиясига боғлиқ. Бас, шундай экан, азиз ота-оналар хушёрроқ бўлайлик, орзу-хавас деб фарзандларимизни дуч келган йўлга бошламайлик. Зеро, фарзанд - бизнинг эртамиз, келажакимиздир!

Ф. ТОҲИРОВА,
Ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси,
Тошкент шаҳри.

Одамлар доимо орзу қиладиган, тўқис-туғал бахтнинг ўзи бўлмайди. Шунинг учун "Бир кам дунё" дейилган. Оллоҳ сизни суюб, қалбингизга муҳаббатдек боқира туйғунини инъом этибди. Унинг шукронасига Яратган

"Юрак-бағримни тилманг, онажон!-33-сон

ЭСЛАТМА: Соғида исмли қизни жонданган севиб қолганман. Ўйлашлар бу гапдан хабар топшиб, муносабатларимизни таъқиқлаб қўйишди. Ота-боболаримиз ўртасида азалдан келишмовчилик бор экан.

НОУМИД БЎЛМАНГ!

дан илтижо қилинги, Соғидангиз юлдузини онангизга иссиқ қилсин. Дунёнинг яратилиши-ю, тириклик оламидаги ҳар бир ҳолатни ўз танангда синаб кўрмагунингча тасаввур қилолмайсан. Шунинг учун ўғил-ота, қиз-она бўлмагунча, ота-онанинг қадригини, дардини англаши қийин. Баъзан ота-онанинг панд-насихатлари фарзандларни онг-шуурига етиб боргунча бир авлод умри етмай қолиши мумкин. "Яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи", - деб бежизга айтилмаган.

Энди ота-боболарнинг қандайдир сабаблар билан "ёвлашиб" қолганлигини чуқурроқ ислоҳ қилиб, "Ёшларнинг кўнгил шишаси синмасин", - дея шу баҳонада авлодлар орасидаги муносабатлар мўътадиллашса, нур устига аъло нур бўларди.

Инсон дунёни англаб, улғая борар экан, ҳаётнинг ўзи қўтилмаган муаммоларни кўндаланг қиладу-ю, яна

ечимини ҳам шу гирдобнинг ўзидан излайди. Бу азалий "машмаша" қайнона-келин муаммоси.

Йиллар давомида йиғиб-териб, не-не умидларда тўю томшалар қиласизу, ҳафта ўтиб-ўтмай, тикилганингиз "келинпошша" бўлади-қолади. Йиллаб келин кидирган қайнона, ўзининг келинлик даври эсдан чиқади-ю, ҳали янги оиланинг баланд-пастини тушуриб етмаган келинига "Бир дунё" талаблар қўяди. Айниқса, қайнона ёлғиз аёл бўлса унга гап йўқ. Ҳар қандай оиланинг "посангисини" ушлаб турадиган, адолат мезони қайноналар омон бўлсин.

Азизим Шерзод! Бахтли бўлишингизга шубҳам йўқ. Хар қалай онангизнинг юраги тош эмасдир. Уларга инсоф, фарзандлар бахтини, қамолтини кўришини талаб қоламан.

Ҳикмат МАҲСУМОВ

ҲАҚИҚАТ ҲЕЧ ҚАЧОН СИНМАЙДИ

Хурматли Мавлуда опа! Дил из-ҳорингизни ўқиб, "Вақт-олий ҳакам" деган гапга яна бир бор амин бўлдим. Чунки сизга "ўғри" деб таъна тошини отган қайнона-гиз гарчи бу нарсани тан олмасалар ҳам йиллар ўтиб юзи шувут бўлибди.

Халқимизда: "Ойни этак би-

"Ўғри топилди, лекин..." 36-сон

ЭСЛАТМА: Мен бош келин бўлганлигим учун ўғилларам, тўғиларам барча юмушларни бажариб, ҳовлини топ-тоза қилиб қўярдим. Ана шу меҳнатқашлигим туфайли "ўғри" деган номни олдм. Қайнонам ва қайинишам мени поалаб юрадиган бўлишди. Аммо ўғри топилди. У қайнонамнинг синглиси экан. Қайнонам кўнглимни синдирган учун бир оғиз кечирим сўрамади.

СЕВГИНГИЗНИ ЛОҚИЗА АСРАНГ

Хурматли Н! Дил изхорингиз севиги дуторини чертиб ёзилибдики, ишқ азобини чеккан, ўз севилисини унута олмай, муродига етолмай яшаётган ҳар бир инсон дилини тирнайди. Сизга чин юрагимдан хурматимни билдираман. Чунки олижаноб аёл экансиз. Хиёнатлардан, хато йўлга ўтишдан хазар қиласиз. Оллоҳимдан паноҳ излайсиз, муҳаббатингиз қанча кучли бўлса-да, ўз иродангиз билан ҳижрон азобини енга олмасиз, севиги қадрини биласиз.

Ҳожи Аҳмад Яссавий шундай дейди:

Ишқсиз киши одам эрмас онгласангиз,

Бемухаббат шайтон қавми тингласангиз.

Ишқдан ўзга сўзини агар сўзласангиз,

Илқингиздан имон, ислом кетти бўлмай.

Менинг дугонам Ҳалиманнинг бошидан ҳам муҳаббат азоби ўтган. У менга Анварни қанчалик севаганини, ўлаётганида ҳам дилида Анвар бўлишини кўз

ёш билан сўзлаб берганди. Улар Анвар билан 10-синфда ўқиётганларида севишиб қолишган. Кейин Анвар институтга кириб ўқий бошлаган. Дугонамнинг ота-онаси уни Фарғонадаги амакисининг ўғлига турмушга беришган. Йигит билан қиз ўртасида ҳеч қандай муҳаббат бўлмай ҳаёт кечиришди. Ҳалима 3 та фарзанд кўрди. Лекин эрини ҳеч ҳам сева олмади. Эри ҳам унга эътиборсиз. Эркалалар, ширин сўзлар билан Ҳалиманнинг қалбини ўзига жалб қилишга ҳаракат қилмади. Шунчаки ҳаёт қонунига бўйсуниб умр кечираверишди. Эрининг бесўнақай кийиниши, ўзига қараб, тоза кийимлар кийиб юришни сира хохламаслиги, овқат еган пайтда ҳам ўзини тутга билмаслиги дугонамнинг гашини келтирарди. Лекин эри кўчада чиройли аёлларни кўрса

"Аёлингизга бахт бера олдингизми?" 36-сон

ЭСЛАТМА: Эрим мени севамайди. Ўйда болаларини ўстираётганлигим учунгина хурмат қилади. Менинг ёлғиз қалбим эса бир меҳрибон инсоннинг оташин муҳаббатига ташна. Аёлингизнинг қалбига эътибор беринг, азиз эркаклар!

Н. Бекобола шаҳри

уларга эътибор бериб, гап отиб, тўғри келса улар билан яқинлашарди ҳам. Ҳалима фарзандлари учун яшаб, эридан меҳр-шафқат кўрмай ўтарди. Эркак зоти рафиқасига эътиборли бўлса, унинг кўнглини ола билса, унга хизматкорга қарагандек муомалада бўлмаса, аёл юрагидаги музлар эриб, унинг ўрнида қуёш нурулари чақнайди. Аёл қалби ўтмишдаги севиғисини ўйлаб, оловсиз ёнмайди.

Ғайнижамол АБДУЛЛА қизи,
Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани.



лан ёпиб бўлмайди", деган мақолнинг борлиги бежиз эмас. Мана, вақти-соати келган, тўғиларда ўғирлик қилаётган қайнонагизнинг синглиси эканлиги ошкор бўлибди. Сиз эса жуда бардошли аёл экансиз. Шунча гап-сўзларга қарамай бошингизни эгмадингиз. Бундан сўнг ҳам шундай бўлинг.

Сизнинг қайнонагизга эса шундай демоқчиман: Сиз ўз кўзингиз билан кўрмаган бўлсангиз ҳам келинингизнинг обрўсини маҳалла-қўйда, қариндошлар ичида тўкиб юрибсиз. Ахир келинингизнинг обрўси - бу ўғлингизнинг, оилангизнинг фахри, кўрки эмасми? Тўхмат қилиш йўли билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Бу эса ўғлингизнинг ҳам бошини элу-юртнинг орасида эгшиши мумкинлигини тушушингиз керак эди. Келинингиздан кечирим, сўраб ярашиб кетсанглар яхши бўларди.

Гавхар ТАТАЕВА
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети IV-курс талабаси.

ТАБРИКЛАЙМИЗ

ЭЪЛОНЛАР!



Бугун сенинг туғилган кунинг Денгиз мавжи қувончингга тенг. Уфқларга етсин қулочинг, Шаҳолатим, бахтинг ёр бўлсин! Ойшонинг Мархабо, долаҳонинг Раҳматилла

Хурматли Қуаратилла САЪДУЛЛАЕВИЧ!

6 октябр - таваллуа айёмингизнинг 50 йиллиги билан куталаймиз. Оулангиз, фарзандларингиз бахти ва файзи бўлиб, узоқ умр кўринг. Ҳамиша ҳозиргидек самимий, ҳалоо, бахтли ва омадли ишон бўлиб юринг. Алоқа хоҳишлари, ҳамкасбларингиз



Синглим ЖУМАГУЛ!

Туғилган кунинг ва касб байрамингизни ўқитувчилар кунин билан табриклайман. Турмуш ўртоғингиз Генжабой билан фарзандлар роҳатини кўриб, бахтли, узоқ умр кўринглар.

Туғилганларинг номидан аканг Эгамберган, Нукус шаҳри.

Қизим САДОҚАТХОН!

25 ёшга тўлишинг муносабати билан куталаймиз. Ёшларни тарбиялашдаги шарафли ва масъулиятли ишингизга омад ёр бўлсин!

Отанг Собиржон ва онанг Чаман. Бухоро вилояти, Пешку тумани, Навоий номи ширкат хўжалиги, Қуарашоқ қишлоғи.

Хурматли дўстимиз Анвар УСМОНОВ!

Сизни ва ёрингиз Ферузахонни 26 сентябрда бўладангиз никоҳ тўйингиз билан чин қаблаан табриклаймиз. Бахтли бўлинглар! Дўстларингиз Жавлон Носиров, Дониёр Мусаев ва Расуловаор оиласи.

ЭЪЛОН!!!

Тошкент Молия Институтини қошидаги "BANNUR" халқаро Бизнес мактабни қуйидаги курсларга қабул эълон қилади.

1. Олийгоҳларга кириш учун тестларга тайёрлаш, тайёрланадиган фанлардан 100% билим бериллади.
 2. Инглиз тилини ўрганиш курслари.
- Курслар тугагач Англияга ўқишга боришга имконият бериллади.
Манзилгоҳимиз: Нийёзбек йўли кўчаси, 6 (собик Урицкий кўчаси, "Юность" сартарошхонаси ёнида) Тошкент Молия институтининг молия факультети, 2 қават, 201-хона.

Тел: 134-01-36, 134-17-25

Автобуслар: 9, 19, 24, 51, 60, 72, 91, 93 Амир Темур кўчасидаги "Олой бозори" бекати. Метро: "Минор" бекати

«УКТАМХОН» замонавий ўқув маркази курсларга таклиф этади:

1. Тил-и-бечаш - 3 ой.
2. Бошқорувчилар учун 6 ой.
3. Халқаролик - 6 ой.
4. Ойи ўраш - 2 ой.
5. Амалёт машуротлари ўйлади.
3. Компьютер - 2 ой.
4. Курс WINDOWS-2000, MICROSOFT, OFFICE-2002. Яқна тартибда, ҳафтали.
5. Бисер-2 ойлик.
4. Сартарошлик - 3 ой.
5. Амалиёт билан.
6. Торт ва турли пиширликлар - 2 ой.
7. Парла, чойшаблар.
8. Элита усулида замонавий тил - 1 ой.
8. Сартарошлик (Эжақлар учун) - 2 ой.
9. Каштэчилик - (машинада ешилмак) - 3 ой.
9. Инглиз тили - 3 ой.
10. Рус тили - 3 ой.

Ўқини тугатганларга диплом бериллади. Ўқишга қабул ҳар кун.

Манзилимиз: Юнусобод тумани 3 мавзе, 1-уй, 31-хона. Мўлжал: Юнусобод бозори орқасида. Тел: 125-97-93, 121-77-72, 125-46-27, 21-17-95.

Профессор Эргаш САЛИМОВ клиникаси барча турдаги аллергия, бўғин, ошқозон-ичак хасталиқларини, касалдан, нимжон болаларни махсус усулларда даволайди. Бронхит астма хасталиғида гормонал дорилар қўлланмайди. Аллергия касалликларни аниқлаб, даволашда турли аллергияларни қўйиб синалади. Иш вақти соат 8 дан 17 гача.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент, Уйғур Хўжаев кўчаси, 4-уй, 10-хона. Автобуслар — 27, 35, 46, 53, 91. Трамвай — 8. 1-шаҳар клиникаси бекати. Тел: 49-43-33, 144-64-30.

УРОЛОГ ВРАЧ, ДОЦЕНТ РЎЗМЕТОВ МЭЛС ҲОЗИЕВИЧ

ЭНУРЕЗ ХАСТАЛИГИ БИЛАН ОФРИГАН ҚОВУҒИ БЎШ ЎФИЛ ва ҚИЗ болаларни БАТАМОМ ДАВОЛАЙДИ.

Бўйрак, қовуқ, простата беги касалликларини ДАВОЛАЙДИ.
 Манзил: Марказ-15, 12-уй (Жангоҳ маҳалла)
 Мўлжал: Метронинг F. Фулом бекати. Тел: 144-46-87 9:00-17:00гача
 Чорсудан 123, 100 автобус. Марш. такси. 2, 4, 7, 77, 101. Себзор бекати.

ЭЪЛОН

Аудитхўлоса. Фирмаларни бош бухгалтерлари учун янги ҳисоблар бўйича махсус курслар. Кафолат 100%. Тел 47-31-55.

Ҳамза туманидаги (массив 40 лет Победа) 4 хонали, кичик боғчаси бор уй СОТИЛАДИ. Тел: 94-18-29

Тошкент шаҳар, Чилонзор туманидаги "Марс-Меридиан" хўсусий фирмаси ёпилади. Давъогарлар 1 ой муддат ичида 77-56-53 телефонига мурожаат қилишлари мумкин.

ДИҚҚАТ ТАНАОВ! БМТнинг Халқаро Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ва Ўзбекистон Республикаси Болалар жамғармаси "Саломатлик ва бахт оғушида" мавзуда ҳикоялар, шеърлар, фотосуратлар учун энг яхши асарлар танловини эълон қилади.

Танлов шiori: "Соғлом оила, соғлом муҳит ва соғлом авлод!"
 Танловнинг илк саралаш тури 2004 йилнинг 10 ноябригача ўтказилади. Танловда бш хаваскор қаламкашлардан тортиб, тажрибали ёзувчилар шунингдек, хаваскор ва тажрибали фото сураткашлар ҳам қатнашишлари мумкин. Тайёр кўлэзмалар ўзбек ва рус тилларида тақдим этилиши мумкин.

Танловнинг якуловчи турида нуфузли, халқаро миқёсдаги ҳакамлар ҳайъати томонидан энг яхши деб топилган асарлар учта китоб ҳолида чоп этиш учун танлаб олинди ва голибларга рағбатлантирувчи совғалар топширилади.

Танловда энг яхши деб топилган асарлар, салмоқли адаб билан 2005 йил Халқаро болалар кунига бағишланиб чоп этилади ва Ўзбекистонда тарқатилади.

Танлов бўйича тайёрланган асарлар қуйидаги манзилга юборилади:

Тошкент шаҳри, Олмачи кўчаси, 32-уй. Ўзбекистон Республикаси Болалар жамғармаси.

СИЗЛАРГА ИЖОДИЙ ЗАФАРЛАР ВА МУВАФФАҚИЯТЛАР ТИЛАЙМИЗ!

Республика об-ҳавони кузатиш марказининг маълумотига қараганда Ўзбекистонда ҳаво ўзгариш турса-да, ёнгангарчилик кутилмайди. Хавонинг ҳарорати кечаси **10-15°**, кундузи **25-30°**, республикаимизнинг жанубида эса кечаси ҳарорат **13-18°**, кундузи **29-34°** бўлади.

"Oila va jamiyat" газетаси тахририяти шiori Мўкаррама Муродовага ўғли Музаффар ПИРМАТОВнинг бевақт вафот этгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

СИЗ БАХТЛИ ИНСОНСИЗ!

Оллоҳ суйган бандасини ҳар томонлама тўқис қилиб яратади, дейдилар. Тўқис инсонни эса яқинларига меҳрибон ва эзгу фазилатларга бой бўлишдек ҳислатлар билан ҳам сийлар экан.

Ҳаётнинг ҳар кунини ганимат, ҳар лаҳзасини гўзалдир. Умри давомида ҳар ким ўз ақли, фаросати, тинимсиз меҳнати билан бахтини топади. Носиржон укам ва синглим Нодирахон! Оллоҳ сизнинг оилангизга - Мўминовлар хонадо-

нига ҳам шундай тўқис бахт насиб этган. Носиржон! Таваллуд айёмингиз билан кутларканмиз, фарзандларингиз камолини кўришдек бахтин тилаймиз. Ҳамиша яхши кунларда дийдорлашайлик!



РАЖАББОЙ, ШОХРУХ

Кутлов

НАВНИҲОЛИМ ЙЎҚ ЭНДИ...

Сендан айрилгач, не аҳволга тушганимни билармикансан, болажоним? Туну-кун кўзларимдан ёшлар дарёси тинмай оқди. Начора, Аллоҳнинг пешонангга ёзгани шундай экан-да...

Асал қизим, Дилфузам!.. Сени узатиб, эринг билан шод-бахтли яшайётганингни кўрганимда қанчалар хурсанд эдик, отанг иккимиз. Илк бор қизалонинг Озода туғилганида янада қувондик. Бахтинг беқиёс бўлганини кўриб, фахрланардик. 2003 йилнинг 31 декабр кунини иккинчи фарзандинг, ўғлинг туғилди. Кўнглимиз шодликка тўлди. Аммо... Шундан кейин сен учун, ҳаммамиз учун тақдирининг синовли кунлари бошланди.

Шифокорлар совуққонлигининг қурбонига айландинг. Сенинг нозик жуссанг устида улар тўрт марта жарроҳлик операциясини ўтказишди. Иккинчи бор она бўлиб қувондинг-у аммо, дилбандингни бағрингга тўйиб босиш ҳам насиб этмади. Икки ойдан кўпроқ умринг касалхонада ўтди. Шунча кўргуликлар бошинга тушса-да, чидардинг. Сўнги нафасингача: "Тузуқ

бўлиб кетаман ҳали", - дея умид қилдинг. Яшагинг, болаларингни бағрингга босиб кўнгли қўйган эринг билан бахтли бўлгинг келарди. Биз эса дардингга даво тополмай бошимизни минг бир остонага урардик. Сенгининг матонатингга, оғриқларингни енгишингга ҳайрон қолардим, болам. Буларнинг ҳаммасига яшагинг келгани учун чидаган экансан-да, шўрликки-нам. Сира ҳаёлимдан кетмайсан. Мана, мурғаккина фарзандинг Ойбекжон ҳам кўзга кўришиб қолди. Энди ўз онасини кўрмай ўсишини ўйлаб, бир дардим икки дард бўлади.

Болаларинг учун кўлимиздан келганини аямаймиз. Сен етмаган бахтга шулар эришсин энди. Мана, туғилган кунинг. Шу кунни интиқлик билан кутардинг. Бу йил эса таваллуд кунинг орамизда сен йўқсан. Ховлимиздаги сен ёқтирадиган гуллардан олиб бугун қабрингга борамиз. Руҳингга тиловлар қиламиз. Жойинг жаннатда бўлсин суюкли болам!

Дардингга куйган онажонинг, Дилбар ХАСАНОВА.



КҲЙ (21.03 — 20.04). - Сизга фойдали бир иш таклиф этишади. Розини бўлишдан олдин, яқинларингиз билан маслаҳатлашинг.

СИГИР (21.04 — 21.05). - Ҳафта сафарга чиқишингиз учун омадли кечади. Яхшиси сешанба кунини йўлга отланг.

ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06). - Ҳамкасбларингиз билан кўнгли ҳордиқ чиқаринг, аммо, уларнинг ҳурматини суистеъмол қилманг.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07). - Қалбингиздаги гашиликни эски ва қадрдон дўстларингиз билан суҳбатлашиб тарқатишингиз мумкин.

АРСЛОН (23.07 — 23.08). - Бу ҳафтада бировдан қарз ола кўрманг. Меҳмонга боргудек бўлсангиз спиртли ичимлик ичишдан ўзингизни тийинг.

БОШОҚ (24.08 — 23.09). - Бекорчилик энг катта душманингиз. Албатта, бирор фойдали юмуш билан банд бўлинг.

ТАРОЗИ (24.09 — 23.10). - Ҳафтанинг ўртасига бориб ишларингиз юришиб кетади. Унганча ўзингизни қўлга олинг.

ЧАЁН (24.10 — 22.11). - Танишувлар кўп бўлади. Театрга тушиб, кўнгли очишингиз эҳтимоли бор.

ЎҚОТАР (23.11 — 21.12). - Оилангизда, рўзгорингизда бироз муаммолар туғилиши мумкин. Сал тежамлироқ бўлинг.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 20.01). - Чоршанба ёки пайшанба кунини бизнес ҳамкорларингиздан бири билан сердаромад иш ҳақида битим тузасиз.

ҚОВҒА (21.01 — 18.02). - Бироз ёлғиз қолиб дам олсангиз ёмон бўлмайди. Фикрларингизни бир жойга жамлаб олишингиз мумкин.

БАЛИК (19.02 — 20.03). - Ҳафтанинг бошланғичи анча кўнглисиз бўлса-да, охирига бориб барча муаммоларингизни ҳал қила оласиз.

МУНАЖЖИМЛАР

БАШОРАТИ

ДУШАНБА 27

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

Телеомошабинлар диққатига! Профиликатика муносабати билан, Ўзбекистон...

Телеканални ўз курсатувларини соат 15.00 дан бошлайдилар.

- 15.00 «Тахлинома». 15.45 «Кўрсатувдан-кўрсатувгача». 16.05 «Дастурхон атрофида».

- 16.15 «Ўзбектеlevision» намойиши: «Тошкент давлат маданият институти». 16.35 Эстрада тароналари. 16.45 «Олтин тож». Телевизион ўйини.

ЎSHLAR

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

- 15.55 Кўрсатувлар дастури. 16.00 «Давр» ҳафта ичида. 16.30, 19.45, 22.40 ТВ-анонс.

- 17.25 «Ўзбектеlevision» студияси намойиши: «Тулпорим». 17.35 «Янги авлод» почтаси.

SPORTV

Телеомошабинлар диққатига!

Профиликатика муносабати билан 27 сентябрь кунин.

«SPORT» телеканални ўз курсатувларини 16.55 дан бошлайдилар.

- 16.55 Кўрсатувлар тартиби. 17.00 «Хабарлар» (рус тилида).

- 17.10 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Нефтчи» - «Пахтакор». Россиянинг БИРИНЧИ КАНАЛИ.

PTP

5.00 Телеканал «Доброе утро».

8.00 Новости. 8.05 Джокки Чан в бою в «Великолепный».

10.00 Смехопанорама Евгения Петросяна.

- 10.40 Дисней-клуб: «Алладин». 11.00 Новости. 11.10 Олег Ефремов в фильме «Норина жизнь».

- 13.00 Сериял «Женщины в любви». 14.00 Новости (с субтитрами).

ТРК

2:00 «Доброе утро».

5:45 «ВЕСТИ НЕДЕЛИ с Сергеем Бривлевым».

6:45 «Ундина. На гребне волны».

- 7:40 «Городок». 7:50 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ. 8:00 ВЕСТИ. 8:30 «МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА».

- 8:50 Елена Корикова, Даниил Страхов, Альберт Филозов, Ольга Остроумова, Александр Филиппенко, Нина Усатова и Александр Калугин в телесериале «Бедная Настя».

НТВ

5:00 Информационный канал «СЕГОДНЯ УТРОМ».

9:00 «СЕГОДНЯ».

9:15 «ПРЕСТУПЛЕНИЕ В СТИЛЕ «МОДЕРН».

- 10:00 «ПРЕМЬЕРА. Детектив на НТВ. Александр Балуев, Ками Кавсадзе, Сергей Николенко и Ярослав Бойко в сериале «ГРАФ КРЕСТОВСКИЙ».

- 11:00 ВЕСТИ. 11:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА. 11:30 Мал Гибсон и Хелен Хант в комедии «Что-то ждёт».

ТВ Центр

6.45 Информационно-развлекательный канал «Настоящее время».

9.00 «БЕРЕГИТЕ МУЖЧИН!».

11.30 Телемагazin.

- 12.15 Телеканал «Дата». 12.15 «Постскриптум» с Алексеем Пушковым.

- 13.00 «СТРАНА И МИР». Главные события дня. 21:40 ПРЕМЬЕРА. Сериал «СЕК В БОЛЬШОМ ГОРОДЕ».

ТВ Центр

4.55 «Марсуллами».

8.00 «Звтрак с Дискавери».

11.10 «Николодеон на ТНТ».

- 11.40 «Николодеон на ТНТ»: «Эй, Арнольд!».

- 12.00 «Николодеон на ТНТ»: «Ох уж эти детки».

СЕШАНБА 28

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

- 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 «Кусто командирининг суви ости саргузаштлари».

- 9.25 «Шеърга кўчган кўнгил». 9.40 «Сихат-саломатлик». 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР.

- 10.05 «Мулкдор». 10.20 «Камалак». Болалар учун кинодастур.

ЎSHLAR

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури. 7.00 «Мунавар тонг».

- 8.30 «Янги авлод» студияси: «Уй афсади». 8.50, 13.10, 16.10, 19.50, 22.40 ТВ анонс.

- 8.55 Икким. 9.00, 13.00, 16.00 Давр. 9.25 «Давр» репортаж. 9.35 «Жюли Леско».

- 10.15 Бизнес - академия. 10.35 Футбол-плюс. 10.55 Болалар экранни: «Шох Султон ҳақида эртақ».

SPORTV

12.00 - Открытие программы

12.05 «Теле-хамкор». 12.10 «Детский час».

- 12.20 «Я всё решаю сама». 12.30 «Знак зиннати ва киймати».

- 12.40 «Хабарлар». 7.30 «Хабарлар». 7.45 «Бардам булинг».

- 7.55 «Болалар спорти». 9.10 «Оруздаги жамоа».

PTP

12.00 - Открытие программы

12.05 «Теле-хамкор». 12.10 «Детский час».

- 12.20 «Я всё решаю сама». 12.30 «Знак зиннати ва киймати».

- 12.40 «Хабарлар». 7.30 «Хабарлар». 7.45 «Бардам булинг».

- 7.55 «Болалар спорти». 9.10 «Оруздаги жамоа».

ТРК

2:00 «Доброе утро».

5:45 «ВЕСТИ НЕДЕЛИ с Сергеем Бривлевым».

- 7:40 «Ундина. На гребне волны».

- 8:00 ВЕСТИ. 8:30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. 8:50 Александр Калугин в телесериале «Бедная Настя».

- 9:50 «Что хочет женщина». 10:45 ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ. 11:00 ВЕСТИ.

НТВ

5:00 Информационный канал «СЕГОДНЯ УТРОМ».

9:00 «СЕГОДНЯ».

9:15 «ПРЕСТУПЛЕНИЕ В СТИЛЕ «МОДЕРН».

- 10:00 «ПРЕМЬЕРА. Детектив на НТВ. Александр Балуев, Ками Кавсадзе, Сергей Николенко и Ярослав Бойко в сериале «ГРАФ КРЕСТОВСКИЙ».

- 11:00 ВЕСТИ. 11:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА. 11:30 Мал Гибсон и Хелен Хант в комедии «Что-то ждёт».

ТВ Центр

6.45 Информационно-развлекательный канал «Настоящее время».

9.00 «БЕРЕГИТЕ МУЖЧИН!».

11.30 Телемагazin.

- 12.15 Телеканал «Дата». 12.15 «Постскриптум» с Алексеем Пушковым.

- 13.00 «СТРАНА И МИР». Главные события дня. 21:35 Боввик «ШИРИ» / Южана Корея /

ТВ Центр

4.55 «Марсуллами».

8.00 «Звтрак с Дискавери».

11.10 «Николодеон на ТНТ».

- 11.40 «Николодеон на ТНТ»: «Эй, Арнольд!».

- 12.00 «Николодеон на ТНТ»: «Ох уж эти детки».

ЖУМА 1

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДИЕСИ

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАБАЙЛАК БАЙРАМИ
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35 «Қабингида сўнасан қиё»

«ЕШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури. 7.00 «Мунаввар тон». Информацион-дам олим дастури.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатув тартиби. 17.20 ТВДА сериал: «23, 5 давола бурчақ остида».

30

12.00 — Открытие программы. 12.05 — «Теле-хамкор».

ТВ

5:00 Информационный канал «СЕГОДНЯ УТРОМ». 9:00 «СЕГОДНЯ».

ТВ

2:00 «Доброе утро!». 5:45 Леонид Кулагин в телесериале «Красная площадь».

ТВ

20.00 Художественный сериал «ЛЕДИ МЭР». 1-я серия. Россия, 2003.

ШАНБА 2

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДИЕСИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35 ТВ анонс.

«ЕШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури. 7.00 «Мунаввар тон». Информацион-дам олим дастури.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.30 «Болажон-кажажон». 18.30, 20.30 «Экспресс-телегазети».

30

9.00 — Открытие программы. 9.05 — «Теле-хамкор».

ТВ

2:55 Фильм-сказка «Мальчик и палица». 1985-й.

ТВ

5:10 Александр Шир и Чулан Хаматова в комедии «ВИКТОР ВОГЕЛЬ - РЕКЛАМЩИК».

ТВ

8.00 Мультсериал «Мистер Бам!».

ТВ

6.00 «Неизвестная планета». Познавательная передача.

ЯКШАНБА 3

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Курсатувлар тартиби.
17.20 Болалар экран.
17.40 «Табриқлаймиз-кутлаймиз».

9.00 - Открытие программы


9.05 - «Теле-хамкор»
9.30 - «Детский час»
10.00 - «Неизвестие», комедия
11.30 - «Теле-хамкор»
12.00 - «Астерикс и Обеликс против Цезаря», комедия

14.00 Новости

14.10 Александр Абдулов в детективе «Сицилианская защита»
16.00 Живая природа. «Зверинья олимпиада»
17.00 Времена
17.55 «КВН - 2004». Высшая лига. Летний кубок



7.30 «Хабарлар». Россиянин БИРИНЧИ КАНАЛИ.
9.10 Д. Криловнинг «Йўлда айрилган қайدلари».
9.30 «Хамма уйдалигида».



2:45 КО ДНО УЧИТЕЛЯ. Вера Марешка и Ростислав Плятт в фильме «Сельская учительница». 1947г.
4:25 «Колоссальное хозяйство».



5:10 Мультфильм «КОРОЛЕВА ЗУБНАЯ ЩЕТКА»
5:30 Х/ф «ТАИНСТВЕННЫЙ ОСТРОВ»
7:00 «СЕГОДНЯ».



7.20 «КРЫЛЫШКО ИЛИ НОЖКА»
9.05 «Отчего, почему? Программа для детей.
10.00 Мультфильм «Вий». Палка-выручалка».



BOLALAR SAHIFASI

Aziz bolajonlar! Siz ham chizgan suratlarinigizni, yozgan ertaklarinigizni o'z suvratinigiz bilan birga, bizga jo'nating.



Suvrat muallifi: Shohruh AZIMOV. Xorazm viloyati, Xiva tumani, Ro'zmat Madaminov jamoa xo'jaligi, 17-o'rta maktab o'quvchisi.



Qissadan-hissa

Ishga shoshib ketayotib maktabning yonidan o'tib qoldim. U yerda bolalar nimanidir talashishayotgandi. Qiziqib ularning yoniga bordim.

KITOB—YARIM BOYLIK

sotuvchiga eltib, puliga pista olisharkan. Bolalardan biri: "Kartoshka pishirganda undan olov yoqishda foydalanamiz". Qiziqib ularning yoniga bordim. Ne ko'z bilan ko'rayki ular kitob ustida janjallashishardi.

Nigora ZARIPOVA, Buxoro viloyati, Peshku tumani.

Мақтабни битирар-битирмас уйимизга совчилар кела бошлади. Мен рад этавериб, ота-онамни ранжитдим. Бу орада отамнинг ош-наси совчи бўлиб келаверди. Уйдагилар қистови билан рози бўлишдан бостқа иложим қолмади. Учрашувга бошқа йигит тўйга эса бошқа йигит куёв бўлиб келди.

Ош берилган, одамлар айтилган, карнай-сурнай, видео... Қишлоқ оқсоқоллари ўртага тушиб отамни-онамни кўндиришди. Менинг розилигимга қарамай никоҳ ўқилди. Мени узоқ чўлга олиб кетишди. Гоҳ бу пешонамдан нолийман, не-не йигитлар ортимдан эргашган эди, ахир. Чўлок, кўр, кар эмас эдим. Шунча ёмон кунлар қаерда турган экан. Нахотки ҳаётда шундай манфур одамлар бор бўлса... Куёв болага кўнгилсиз бўлдим. Бирга бўлишга кўнмадим. Уйни ичкаридан қулфлаб ётавердим.

Лекин бир кун юштирилган сохта тузилган кун менинг ҳаётимни буткул ўзгартириб, остин-устун қилиб юборди. Қандайдир дори

таъсирида ўзим билмаган ва умуман сезмаган ҳолда бирга бўлганмиз. Уйғонсам ёнимда у... Даҳшат... Шундан сўнг ўзимни хўрланган, камситилган сездим. Шунча ёмон айтиб бўлмас кунлар кўрдим. Барибир турмушимиз бўлмади. Ота-онамнинг бағрига соғ-омон қайтганимга шукр қиламан.

Оғзи куйган одам қатиқни ҳам пуфлаб ичади. Яна алданиб қолишни истамайман. Ниятим, орзу-армоним Тошкентда яшаш, бахтли оила қуриш. Оила мен учун энг олий ва тенги йўқ бўшлиқ. Шу бўшлиқни тўлдиришни хоҳлайман. Оила - синов майдони, эркакни, аёлни тарбиялайдиган олийгоҳ деб биламан мен.

Юморга мойилроқман. Доимо ота-онам билан ҳазиллашишга ўрганиб қолганман. Баъзан шеър ёзиб тураман, бу одатни ташлолмайман. Мени тушунадиган инсон бўлса, танишиб бахтли оила қуриш ниятидаман.

Кумушбиби, Сирдарё вилояти.

Ёшим 30 да. 11 ёшли ўғилчам бор. Турмушим бузилганига бир неча йил бўлди. Энди турмуш қурмайман, ўғлим учун яшайман деб мақсад қилгандим. Ёлғизлик барибир ўз таъсирини ўтказди. Ўғлимга ота тарбияси, менга суянчиқ кераклигини англаб етдим. Шахсий уйим бор. Касбим тарбиячи бўлса-да, ҳозир трикчилик деб олди-сотди ишлари билан шуғулланаяпман. Ҳар қалай ҳам ота, ҳам она бўлиш қийин бўларкан. Мени ва ўғлимни қадрлайдиган, иймон-этиқодли, касб-корли йигит билан танишмоқчиман.

Манзилим тахририятда. Манзура, Тошкент шаҳри.

Ёшим 25 да. Турмушга чиқмаганман. Нуфузли ташкилотлардан бирида иқтисодчи бўлиб ишлайман. Барча қизлар орзу қилгани сингари, мен ҳам ўз бахтимни кутиб яшаяпман. Орзуимдаги инсон ҳар томонлама етук бўлишини истардим.

Манзилим ва телефон рақамим тахририятда. Нодира, Сирдарё.

Менинг мулоим, ҳар ишда саришта, ҳусни ҳам бинойидек меҳрибон опажоним бор. Афсуски, ана шу опажоним ўз жуфтини топишда қийналиброқ қолди. Бунга сабаб бизни Фарғонадан Тошкентга қўчиб келганимиз. Шу боис бу ерда бизни биладиган инсонлар жуда ҳам кам. Ҳозир опамни ёши 27да. Турмуш қурмаган. Тошкентдаги мактабларни бирида ўқитувчи бўлиб ишлайди. Ҳеч қандай камчилиги йўқ. Шу опамга мос йигит бўлса учрашиб, бир-бирига маъқул келишса турмуш қуриб бахтли ҳаёт кечиришса, дегандим. Албатта мен опамга 28-34 ёшлардаги ичмайдиган, ёмон иллатлардан холи, босиқ ва интизомли йигит жуда бўлмаса, уйланиб ажрашган (боласи йўқ), иш-жойи тайин, топармон-тутармон, уйим, боламчакам дейдиган йигит бўлишини истардим. Иложи бўлса, бир-бирига маъқулдан кўчиб келиб Тошкентда яшайдиган бўлса, яна ҳам яхши бўларди.

Манзилим тахририятда. Шаҳноза, Тошкент шаҳри.

Оилам билан ажрашганимга 2 йил бўлди. Уйим-жойим бор. Ёлғизликдан зерикиб, қийналиб кетдим. Қайси вилоятдан бўлса ҳам майли, хоҳласа меникида, хоҳламаса уникида ҳам яшашга розиман. Ёшим 38 да. Умр оқар сувдек оқиб бормоқда. Менга бундай яшашнинг ҳеч бир қизиги йўқ. Оилам билан ажрашишимга аёлимнинг ўзи сабабчи бўлганди. У қандай хоҳласа шундайлигича юраверарди. Кўнглига нима келса шуни қиларди. Мен бундан қаттиқ изтиробга тушардим. Бунақа аёллар виждонини еб бўлган, ор-номус, ҳурмат-иззатини билмайдиган бўлишаркан. Хотиним болаларимнинг келажагига ҳам зомин бўлди. Иймон-этиқодли, иложи бўлса бухоролик аёл билан танишмоқчиман.

Манзилим тахририятда.



Хотиним билан қонуний ажрашганимга 9 йил бўлди. У ҳозир бошқа турмуш қуриб кетган. Мен эса ҳалигача уйланмадим. Уйланишга бир-икки имконият туғилган бўлса ҳам, юрагим йўл бермади.

Иллатлардан йироқман. Битта кичик айбим бор, сигарета чекаман. Фақат узрли сабаб бўлган ҳолларда 100 гр. ичишим мумкин. Соғлигимга келсак, тўрт мучам соғ. Китоб, газета ва журналларни танлаб ўқийман. Шаҳар, вилоят кутубхоналарининг ишончли ва доимий мижозиман. Овқат пишириш, кир ювишдан, уйлارни саранжом-саришта қилишдан қочмайман. Йигит кишига қирқ хунар ҳам оз, деганларидек юқоридагилар мен учун фожеа эмас. Дўстларим кўп эмас, дushmanларим йўқ. Ҳама билан муносабатим бир хил. Фийбат ва жанжаллардан илжири борица қочаман. Битта қизим бор. Ҳар жиҳатдан тўқис бўлган аёл билан танишмоқчиман.

Манзилим тахририятда.

Азиз, Хоразм вилояти.

Мен 1951 йил Ақраб буржида таваллуд топганман. Аёлим билан қонуний ажрашганман. 10 ёшли ўғлим билан яшайман. Маъзур тутасизлар, бойвачча эмасман, тўғри сўзли, дили пок отаман холос. Мен билан танишиш истагиде бўлган аёл Ўзбекистоннинг қайси вилоятдан бўлмасин, виждонли, ор-номусли, меҳрибон, олижаноб, имон-этиқодли ва покиза бўлмоғи шарт!

Манзилим тахририятда.

Фулом, Андижон шаҳри.

3. Бухоро вилояти.

Менинг 1 ўғил, 1 қизим бор. Онаси касаллик туфайли оламдан ўтган. Болаларимга яхши, инсофли она керак. Ўзимнинг тўрт мучам соғ, ишларим яхши. Енгил машиналарни таъмирлайман. Ичиш-чекиш иллатидан йироқман. Ҳозирда онам иккимиз болаларимни тарбияляяпмиз. Утириб қолган қиз ёки турмуши бузилган аёл бўлса оила қуриш ниятидаман.

Манзилим тахририятда.

Мурод, Самарқанд вилояти.

Ёшим 80 да. Ўғил-қизларим алоҳида туришади. Ўзимнинг алоҳида уй-жойим бор. Қариганда ёлғизланиб қолдим. Мўмин-муслима бир аёл бўлса, бир-биримизга суяниб яшасак дегандим. Иссиқ-совуғингдан хабардор бўлиб турадиган тани маҳраминг бўлсин экан. Шундай аёл бўлса овоз берсин.

Манзилим тахририятда.

Қодир бобо, Тошкент шаҳри.

Синглимнинг ёши 25 да. Боғчада тарбиячи бўлиб ишлайди. Эри билан муросалари тўғри келмай, атиги бир йилгина турмуш қилиб, кейин ажрашиб кетишган. 2 ёшли ўғилчаси бор. Тақдир кўшилса қайси вилоятдан бўлса ҳам Тошкентда яшайдиган йигитга узатардим.

Манзилим тахририятда.

Соҳида, Тошкент шаҳри.

Мен собиқ хотиним билан бир ишхонада ишлардим. У ўзининг болаликдаги бошидан ўтган кечинмаларини айтиб берганида, менда унга нисбатан меҳр пайдо бўлди ва уни бахтли қилишни юрагимга тугиб қўйдим. Ёмон одамга тушиб қолса, умр бўйи қийналиб ўтади, деб ўйладим. Тақдиримиз қўшилиб, унга уйландим. Уни жуда ҳурмат қилардим. Сизлаб гапирардим. Бўш вақтларимда уй ишларига қарашардим. Овқат қилишми, пол ювишми ёрдамлашардим. Ҳурмат қилсам, иззат кўраман, деб ўйлагандим. Афсуски, унинг маънавий қашшоқлиги менга ҳам, ўзига ҳам, болаларимга ҳам панд берди. Унинг хиёнатини сабаб биз ажрашиб кетдик. Болаларим учун уйимни унга ташлаб чиқиб кетдим. Ҳозирги кунда ўзимнинг шахсий уй-жойим бор.

Ёшим 44 да. Ичиш, чекиш қусуридан йироқман. Ёмон йўлга юрмайман. Табиатан кўнгилчанман. Тўғри сўзли, ибодатчи, имони бут аёл ёки бахти очилмаган қиз бўлса мустаҳкам оила қуриш ниятидаман. Ақл-хуши жойида бўлса, миллатининг аҳамияти йўқ.

Ю.Ибрагимов, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, инд: 702843

Талаб қилиб олгунча.

Ёшим 38 да. Маълумотим ўрта махсус. Тўқш, бичиш-тикишга жуда қизиқаман. Уйда ҳар хил қийим тикиш билан шуғулланаман. Тозаликни, покликни дил ва тил покликни жуда яхши кўраман. Болаларни яхши кўраман. Худо менга ҳам бахт ато этса, серфарзанд она, эпли уй бекаси бўлсам, дейман.

Беш вақт намозни қанда қилмай ўқийман. Ишини, хунарини қадрлайдиган, тозалик ва покликни севадиган, ичиш ва чекиш иллатидан йироқ инсон билан танишишни чин юракдан истардим.

Манзилим тахририятда. Озода, Қашқадарё вилояти.

Ёшим 54 да. Айрим сабабларга кўра ажрашганман. Уй-жойимни хотиним ва болаларимга қолдириб чиқиб кетдим. Ҳаётимнинг шундай тўсиққа учрашига сабабчи ўзимман. Ота-онамнинг қаршилигига қарамай 1 болали турмуши бузилган аёлга уйландим. Ўзимнинг ҳам икки фарзандим туғилди. Уч болани биргаликда тарбияладик. Бироқ хотиним ва фарзандларим мени менсимай қўйишди. Шу боис уйдан чиқиб кетишимга тўғри келди.

Ҳаётда ўзига дардқаш, елкадош инсонни истатаган аёл бўлса тақдиримни боғламоқчиман.

Манзилим тахририятда. Алишер, Бекобод шаҳри.

Танишимнинг ёши 34 да. Эри бевақт оламдан ўтган. Фарзанди йўқ, ўзининг шахсий уйи, касб-корли бор. 35-40 ёш атрофидаги ишмайидиган, чеқмайидиган, иш, уй-жойи тайин йигит бўлса турмуш қуриш ниятида.

Манзилим тахририятда. Маъмура, Тошкент шаҳри.

Менинг энг яқин дугонам бор. Унинг ёши 30 да. Қўли гул пазанда. Оёқ-қўли чаққон. Озодалик унинг шиори. Бир кам дунёлари шу бўлса керак. Ота-оналарнинг синовларимни билмадим, ҳали ҳам бахти очилмади. Кўзи бўйича 2-гурӯх ногирони. Дугонамнинг иродасига ҳавасим келади. Шундай қизнинг гулдек умри ёлғиз ўтишини истамайман. Шу сабабли 30-40 ёшлар атрофидаги пок виждонли, ҳалол, ўз уй-жойига эга бўлган касб-корли бор, Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи эркак билан турмуш қуриб бахтли бўлишини истамайман.

Манзилим тахририятда. Нигора, Тошкент шаҳри.

Ёшим 39 да. Асли андижонликман. Аҳралганимга 7 йил бўлди. Хотиним болаларимни олиб бошқага турмушга чиқиб кетган. Мен эса ўшандан бери Тошкент шаҳрига келиб усталилик қилиб кун кўраман. Қўлимдан ҳамма иш келади. Турмушининг аччиқ-чуққуларини татиб қийналган, меҳрга зор бир муштипар аёл топилса уйланмоқчиман. Битта фарзанди бўлса ҳам, унга оталик меҳрини бериб тарбиялардим.

Манзилим тахририятда. Ақром, Тошкент шаҳри.

Тахририятдан: Азиз мухлислар! Сиз берган эълонингизга ўз вақтида жавоб олишни хоҳласангиз, ҳамда сир тўқилишини истасангиз, янаб турган шаҳар ёки туманингиздаги алоқа бўлимининг рақамини ёзиб юборинг. Биз уни газетамда қайд этамиз. Сизни маъқул тоғиб, муносабат боғлашни истаган кишилар ўз мактубларини тўғридан-тўғри ўша алоқа бўлимига юборишади. Сиз эса алоқа бўлишига бориб, хатни олиш имконига эга бўласиз. Танишмоқчи бўлган кишини сўраб-суриштиришда янглишманг. Тахририятимиз сизнинг тақдирингиз билан боғлиқ муаммоларни ўз зиммасига олмайдди. Бахтингизни тоғишингиз учун бутун масъулятни ўз зиммангизга олиб, бу йўлда ақл-фаросат, дид билан ёндашасиз, дея умид қилиб қоламиз. Тахририятга хат ёзаркансиз, паспортнинг нусхасини ҳам юборишни нуутманг. Телефон: 133-04-35

Саҳифани Т.НОРИМОВ тайёрлади.

Акам, Тўрамуродхон! Акажон, менинг кўнглимни қарийб 40 йиллардан буён сиз биласиз. Чунки қон қўшилган бўлмаса ҳамки, ошу қатикмиз.

Акажон, биринчи қўл ташлашиб, қучоқлашиб кўришганимиз, ҳамон кечагидек хотирамда... Мен шанба куни тушгача, бошланғич синфдаги дарсими ўтиб, бозорга, туман марказига тушдим. Дўстларимдан бирини учратдим. Биз икки дўст ошхонага бордик. Сиз ҳам бир дўстингиз билан овқатланиб ўтирган экансиз. Биз, - "Ассалому алайкум", - деб сизларга салом бердик. Сизлар ҳам алик олдингиз ва бизни ўтиришга таклиф этдингиз. Бизлар "рахмат" деб, нариги столлардан бирига ўтирдик. Олдингизда "оқвой"нинг бир бўш шишаси турарди. Сиз бориб тагин бир шиша ароқ олиб келиб ўтирдигиз. Биз икки дўст ҳам бир шиша ароқни олиб қиттак-қиттак қилиб турдик. Овқатланиб бўлгач, ошхонадан аввал сизлар чиқдинглар. Сизлар бизни худди эски танишлардек кутиб турган экансиз. У пайтлар ҳозирги эрақлардагидек ўлиб кўришиш русуми йўқ эди. Қучоқ очиб, елка кўришиш қилдик. Сўрашишдик. Танишишдик. Сиз иккингиз чўпон, биз иккимиз муаллим бўлиб чиқдик. Бозорга кибриб, тўртталамиз қовун едик. Сизлар "Маликчўл" чорвачилик давлат хўжалигида бош чўпонлар бўлиб ишлашингизни, биз иккимиз икки мактабда ўқитувчи эканлигимизни айтиб, хайрлашдик. Мана ўшанга ҳам 40 йил тўлди. Шу учрашув тутинган ака-укачилик ришталарини боғлади. Юлдузимиз, ака-укачилик осмонимиз бир-биримизга мос тушганди.

Кейинги тасодифий учрашув ҳам туман бозорида бўлди. Кўришиш учун қўлимдан ушладингиз-у, қайтиб кўйиб юбормадингиз.

- Мухбирлик ҳам қилар экансан. Мени ҳам бир газетга ёзмайсанми? Отам ҳам чўпон ўтган! 15 ёшимдан отамга эргашганман. Отамнинг касбларини олиб, кам бўлмадим, укажон! - дедингиз. Мен бирор кун уйингизга боришимни айтиб, ишонтирдим!

Орадан 1-2 ойларча вақт ўтиб, бир кун қишлоғингизга йўлим тушди. Падари бузрукворингиз 10 кун олдин оламдан ўтган экан. Сизга ҳамдардлик билдингиз. 4 та укасингиз, ўғил-қизларингиз билан таништирдингиз. Тутинган укам, менга туғишгандек бўлиб қолган, дедингиз уларга. Мен сизникида озроқ ўтириб, ярим йилдан сўнг келиб, матбуот учун маълумот олишимни айтдим. Сиз 4-5 ой отам учун ароқ ичмай, қаттиқ тураман, деб ваъда бердингиз.

Мен ёзги таътилда, сизникида бўлдим. Янгамуллам овқат қилишга тутиндилар. Мен сиздан маълумотлар олишга киришдим. Ховлингиз шинам, уй каттакон, мол-ҳолингиз етарли эди. Янги уч гилдиракли "Урал" мотоцикли ялтиллаб турарди. Чойимиздан хабардор бўлиб турган янгам: "Акангиздан розиман, шукр, фарзандларимизни ҳам ўз ёнларига олиб, чўпонлики ўргатаптилар", деди. Янгамнинг мактовларидан сиз ҳам қувониб: "Ўргилай кампиршоҳимдан", - дея елкаларини меҳр билан қоқиб кўйгандингиз. Ёзилажак мақола учун маълумотни тўлиқ ён дафтарчамга тушириб улгуролдим. Бир отар она кўй, ҳар юзидан 105 тадан боқувага қўзи, 2 килограммдан ортиқ жун... Ютуклар ёмон эмасди. Янгамуллам овқат-

ни келтиришлари билан радио мурватини бурадингиз. Кўшиқ талалди:

"Дўст билан обод уйинг, гар бўлса у вайрона ҳам, Дўст қадам қўймас экан, вайронадир қошона ҳам..."

Акажон, менга қараб туриб кўзин-

АКАМ

гиздан ёш чиқиб кетди. Катта лангари товоққа гўшт, атрофидан суви милтиллаб чиқиб турибди. Ис-сиқина патир билан секин-секин тушираямиз. Иккита "Оқвой"-дан кўйдингиз. Мен асли камроқ ичардим. Иккинчидан мотоцикл билан боргандим. Бўшатилган икки шиша ароқдан уч юз граммларига шерик бўлолдим. Икки ҳафтадан кейин "Яйлов баҳодири" номли каттакон мақола туман газетасида чиқди. Мақола республика радиосида ҳам эшиттирилди.

...Йиллар ўтди, катта-катта мукофотлар олдингиз. Оилавий чорвадорлигингиз учун "Москвич" энгил машинаси олдингиз. "Урал" мотоциклининг янгисидан яна олдингиз. Ўғилларингизга келин олиб бердингиз. Қизларингизга қувёв қилдингиз. Набирали бўлдингиз. Ичишни эвида ичдингиз. Бу орада онангиз ҳам 80 ёшларида ҳаётдан кўз юмдилар. Тирик бандасининг бошида тўю аза борлиги ўзингизга аён эди. Бунга тош бошингиз чидади. Сиз туянинг каттаси эдингиз. Оғиру энгилликка бардош бера олдингиз. Сизга раҳмат. Сизни меҳнат, чўл тоблади. Қарнаб, Тутак, Маликчўл, Тандинча сўмоқлари сизнинг пойингизни ўпди. Сизни сийлади, ардоқлади. Меҳнатдан фаровон ҳаёт кечирдингиз. Элнинг орқаси эмас, олди бўлдингиз. Чўлдан нафақага чиқдингиз. 60 ёшли тўйингизни ҳамма мақтади. Давлат хўжалиги раҳбаридан тортиб, кичик чорвадорларгача сизга совга-саломлар билан келди. Сиз мезбон сифатида уларнинг хурматини жой-жойига қўйдингиз. Нафақадан кейин ҳам чўпон фарзандларингиздан тез-тез хабар олиб турдингиз. Бошқа чўпонларга устозлик қилдингиз. Лекин 63 ёшдан ўтганингиздан сўнг сизнинг руҳиятингизда салгина сезилар-сезилмас ўзгаришлар юз бера бошлади. Оз-оздан "Оқвой"ни кўпайтирдигиз. Бу орада машина сотиб олдингиз. Учинчи келинингиз оғир касалликка чалиниб, вафот этди. Сиз бевафо ҳаётдан нолиб, орадан бир ой ўтгач, тагин ичкиликка ружў қўйдингиз. Мактабни энди тугаллади, деб охирги ўғилни уйлантиришни ҳам хаёлингизга келтирмадингиз. Мен хабардорман, акажон! "Ичишни камроқ ичаёлман", - деб менга ваъдалар бердингиз. Лекин аслида...

Томорқада ишлаб, деҳқончиликка қўлингиз қовушиб кетди. "Ишлаган инсоннинг томоғи бор, еб-ичадида", - деб меҳнат билан ичишни

қўшиб олиб бордингиз. Фарзандлар-у, хотинингизнинг «ичманг шу заҳар-заққумни», деган зорланишларини инобатга олмадингиз. Гоҳо-гоҳо янгамулламни уриб, баданларини моматалоқ қилиб юбордингиз. Мунисгина янгимуллам "ғинг" демади. 45 йиллик турмушим деб сизга маҳкам боғланиб олди. Сиз эса сира инсофга келмадингиз. Қишлоқ оқсоқоллари сизни кўрсалар ёшингизни



ТўРАМУРОДХОНГА

хурмат қилиб: "Акамиз яхши одам. Эпақага келиб қоларлар", - деб, ортингиздан ёқаларини ушлаб: "Инсофни ўзига берсин-да!" - деб қўядиган бўлишди. Сиз одамларнинг гапини гап - сўзини сўз демайдиган бўлиб қолдингиз. Хатто менинг маслаҳату йўриқларим ҳам сизга кор қилмади. Мен сизнинг тобора ботқоқликка чўкиб бораётганингиздан ғам чекканман, акажон.

Ҳамма бир томон, сиз бир томон бўлиб қолганингиздан афсусланаман. Қани ўша қахрамоним - "Яйлов баҳодири" деб қидираман. Кўнглингизга олмангу, сизда акажон, баҳодирликдан, асар ҳам қолмабди. Ох, ох, қани акам?! Хаёлот дунёсига фарқ бўламан. Тутинган акамнинг жуссасини кўраман-у, мушук тирнагандек нимадир тирнайди ичимни. Юрагим беҳузур бўлади. Ҳеч ким бу касофат ичимликдан мукофот олмаган, наф толмаган-ку! - деб ичимдан йиғлайман. Лекин менинг йиғимни ҳеч ким эшитмайдди. Юрагим эшитади. Эҳ, ҳаёт шунчалик бешафқат бўлмасанг?! Агар шу захарни кашф этмаганингизда кунинг ўтмасмиди инсон? - деб аюханнос солгим келади. Акамнинг кун сайин ажин босган юзлари, хираллашиб бораётган кўзлари, дағаллашиб бораётган оёқ-қўлларига қараб, кам-кам ичиб юрган даврларни эслайман. Эслайману ёзаётган қўлларим қалтирайдди.

Акажон, қуш учса қаноти, одам юрса оёғи қуяйдиган чўлни забт этган инсоннинг юраги ботир бўлганлигини сиздан кўрганман. Бир вақтлар сизнинг қишлоғингиздан келин олиб келганимизда қишлоғингиз "тирранча"ларидан ҳимоя қилиб, йўлда қузатиб келганингиз, ҳар қандай инсоннинг қўлидан келмаслигини сезганман. Энди бўлса... Колхозингизда бўлганимда почтадан чиқиб келаётган янгамул-

Сизга айтмоқчи бўлганларим

ламни учратиб қолдим. Янгам мени олисроқдан кўриб, йиғлаб кела бошладилар. Янгам билан ҳол-аҳвол сўрашишдик. Йиғладилар. Юпатишга сўз тополмасдим. Янгам:

- Укажон, акангизга кўз тегди. Кўзикиди, Ичишга ружў қўйиб кетди. Уйланмаган ўғилга ўзим бошқош бўлиб нон синдирдим ҳам. Лекин акангиз ҳеч нарсани ўйлама-япти. Билмадим, ичкилик онгини, ақлини кемирдимми? Нафақа пулини оладию, дўқондан ичимлик олиб келиб, 2-3 кун ичиб ётиб олади.

- Янга, нафақани оладиган кун почтага акам билан бирга боринг. Бозор сарф-харажатини бирга қилинг, алдаб-авранг. Имкон қадар ичкиликка камроқ пули қолсин, - деб уқтирдим.

Икки ой аввал акажон, сиздан ушбу мазмундаги хат келди: "Укажон, фалон куни ўғлим билан колхозингиздаги таниш жўрамниқига бораман. Сиз ҳам келинг. Бирга ўтирамыз". Уша куни айтилган жойга бордим. Кенжатай ўғилга нон синдирилгани билан сизни қутладим. Аввалгидан сал эпақага келгандек кўриндингиз. «Уйқумда сира ҳаловат йўқ. Алақ-чалақ, кўрқинчи тушлар кўраман», - дедингиз.

"Оқвой"дан камроқ олдингиз. Ичкиликни умуман ташлаб юбориш, ҳар бир инсоннинг ақл-заковати, иродаси, қобилиятига боғлиқлигини айтдим. "Тўғри тушунаёлман, ука", - дедингиз. "Ҳар кимнинг ўз тани, ўз жони ўзига керак экан", - дедингиз. Ичимдан қувонгандай бўлдим. Сўнг, сизга ичкиликка берилган бир қишлоқдошим ҳақида сўзлаб бердим. Унинг бир соғин сигирини сотиб, профессорлар назоратида шифо олиб келганиги, оқибатда, ичкилик ичишни ташлаганигини айтиб бердим. Сиз ички изтироб билан мени тингладингиз. Сизда ичкиликка нафрат уйғота олдими, деб ўйладим. "Укажон, мия бузилишига сал қолган экан. Ич-этларини оғриқдан хуруж қилиб зирк-райди", - дедингиз. Мен, сизнинг юзингиздан ўлиб олдим. Ўтирганлар бизни сезиб: "Ака-укаларнинг илҳами келди", - дейишди. Сиз мениқига меҳмонга келишга ваъда бердингиз.

Ака, сизга юрак дардларимни ошкор ёзаётганим учун минг бора уэр сўрайман. Бу ишим билан балким, сиздек ичкиликка ружў қўйганлардан, нафрат ва қарғиш олгандирман. Сиз ҳақингизда, сизни билганлар: "Ичкили туфайли Худонинг ғазабига учради, тузалмас касалга чалинди", - дейишмоқда. Оллоҳ сизга берган дарддан эриб-эриб, йиғлайман, акам. Акам, бу бедаво дардни сиздан қайтариб олишни Оллоҳимдан ўтиниби илтиҳо қиламан. Акам, менинг назаримда, тўшакдан бош кўтара олмай ётаркансиз, руҳий азоб тортаёспиз. Ҳали фарзандларингизнинг сиздан умидлари бисёр, бехисоб. Елкангизда оталиқ қарзингиз, керак бўлса бувалиқ қарзингиз турибди. Мен сизнинг соғлигингиз тикланиб оёққа туриб кетишингиз, ҳаётда қайта чиқаман инсон бўлиб, элга қўшилиб кетишингизни тилайман. Аллоҳ шифо берсин.

Эргаш АТОЕВ

1981 йили бир гуруҳ қизлар билан мактабни битириб, олийгоҳда ўқимок мақсадида Тошкентга йўл олдик. Тиббёт олийгоҳида ҳужжатларимни топширдим. Ҳужжат топшириш учун навбатда турарканман, олдимида бўйларни ўзим билан тенг хаёл суриб турган бир йигитга кўзим тушди. Гап-гапга уланиб О. исмли йигит билан танишиб қолдим. Асли, Узун туманидан экан. Унинг кулиб турган кўзлари мени асир қилган эди. Дугонам Гулига қараб: "Хув анави йигит истараси иссиқ, ёқимтой экан", - дедим. Биз кетишга шайланарканмиз О. турар жойимизни сўраб қолди. Турар жойимиз йўқлигини айтганча, "Ёнимизда бўш хона бор", - деди. Биз О.га эргашиб ўша жойга бордик. Иштихонларга тайёргарлик қизгин. О. бизга физика, математикадан консултация берарди. Ниҳоят у ўқишга кирди. Менинг эса омадим чопмади. Биз уйга қайтдик. Не-не машаққатлар билан пахта далаларида ишладим. Орадан уч йил ўтди. Шу вақт орасида О. бир жанжалли ишга аралашиб Кемерова ўрмонларида икки йил сургун қилинибди. Бироқ у ҳақлигини исбот қилиб яна ўқишни тиклабди. Мен яна олийгоҳга ҳужжат топшириб қайтаётгани уни учратиб қолиб турилган кунимга таклиф қилдим. Бир кучоқ оқ атиргул, бир дунё ширинликлар олиб келди. Ниҳоятда севиндим. Дўстлар ардоғи, ёрнинг меҳр аралаш ширин табассуми бари-бари мен учун эди. Аммо ўқишга кириш яна насиб этмади. О. билан хайрлашишга улгурмадим. О.ни шунчаки ёқтираман, деб ўйлагандим, уйга қайтиб усиз яшай олмаслигимга иқдор бўлдим. Ором билмас кечаларим. Кунларимнинг фазли йўқ эди. Уртоғим Гули ўқишга қабул қилинган эди. У қайтаётгани О.ни учратиб қолибди. О. мени сўраб, ёқтириб қолгани, уйланмоқчи эканлигини айтганида Гули қувониб: "Муқаррам ҳам сизга беварқ эмас", - дебди. О. билан Гули қишлоққа бирга келишди. Қувончдан кўзларим чакнаб кетди, аммо тилимга калима келмасди. Мухаббат инсонни соқов қилиб кўяра экан. О.нинг таклифи билан шаҳарга бордик. Кинога кирдик. "Садоқат" номли хинд кинофильмини кўрган О. "Биз ҳам насиб этса худди шулар каби бўламанми", - деди. Мен унга жимлайиб қарадим. У ота-онасини юберишини айтди. Мен индамадим. Орадан кўп ўтмай совчилар келишди. О.нинг онаси қараса, менинг онам тақдир тақозоси билан икки оёғи ишламай қолган ноғирон. "Бу аёл менинг тенгим эмас", - дебди. Шунда О. "Онажон, ундай деманг, мен Муқаррамни қаттиқ яхши кўраман йигитлик сўзимдан қайтмайман", - дебди. Бизни унаштириб қўйишди. Орадан кўп ўтмай Тошкентга қайтдик. Мен эски ўзбек ёзуви курсида ўқий бошладим. Бир-биримизсиз бир даққа ҳам яшолмасдик. Юракнинг тизгини бўлмайди, дейдилар. Тез-тез учрашиб турардик. Бир кун у хонамга келди. Самимий суҳбат, ширин орзулар... Кутилмаганда уй эгаси кириб келди.

- Бу йигит ким?
- Унаштирилган йигитим.

Ўша киши гапимга ишонмай: "Сен ўйнашиб ўтирибсан, йўқол", - деб кўчага ҳайдаб солди. Иккимиз тун селини ёйганда, энди қаёққа борамиз?" - деб бекат ёнида чорасиз ўй суриб қолдик. Маст-алласт безори беш-олти йигитлар келиб бизга тўсатдан ташланиб қолишди. "Бу қиз биз билан кетади", - деб менинг кўларимга чанг солишди. О. эса: "Кўйинглар, бу қиз менинг рафиқам бўлади", - деб улар билан тортишди. Безорилар эса бунга жавобан уни уриб, калтаклаб тепа бошладилар. Бекат тўла одам, аммо бирортаси нажот кўларини чўзмади. Автобус келиб қолди. Биз унга қараб югурдик. Безорилар ҳам ортимиздан чиқди. Иккитаси ҳадеб кўларимдан тортиқлаб тазийқ ўтказар, қолганлари эса О.га: "Шу хотинингни бизга берасан", - деб зулм қиларди. Автобусни милиция машинаси тўхтатди, бизни тушириб

уларни олиб кетишди. Милиция ходимларига бу ҳақда бекатдаги одамлардан бири хабар берган экан. Кеч соат 12 да О.нинг хонасига бордик. Икки йил давомида ўртамизда чегарадан чиқиш бўлмаган. Ўқишни тугатиб, кейин тўқимачилик комбинатига ишга кирдим. Орадан кўп ҳам ўтмай тўйимиз ҳам бўлди. У ўқишни давом эттирар мен эса иқтисодий аҳволга қараб қайнонам билан яшай бошладим. Унинг таътиллارга келиб-кейтиши мен учун байрам эди. Қайнонамнинг таъна-дашномлари, кесатик гаплари

куйдириб гапирар эди. Кўз ёшларим ўғлимнинг юзига тинимсиз томчилар, у жажжи кўллари билан кўз ёшларимни артгандек бўларди. Қизим эса менга кўшилиб йиғларди. Хаёлларимни жамлаб, қизим-ўғлимни бағримга босганча: "Поезд вокзалига тушириб қўйинг", - дедим. Аммо шофёр мени уйимга олиб келиб қўйди. Фарзандларим билан ёлғиз яшай бошладим. О.ни бошқа изламадим, жанжал қилиб бор-

гапга қандай чидайман", - деб зор-зор йиғладим. Лекин О.нинг дийдаси тош бўлиб қотиб қолганди. "Бетимнинг қаттиги, жонимнинг хузури", деб юраверди. Лекин мени, болаларимнинг руҳини синдириб бизнинг нурдай тоза туйғуларимизни паймол қилди. Яна бизни оғир аҳволга солиб қўйди. Нима қилишимни билмасдим, охири тушкунликка тушиб уйдан кўчага чиқмай қўйдим. Болаларимнинг ўқишга, юришига ҳам эътибор қаратмадим. Кечалари уни қарғаб йиғлаб чиқардим. Кўчадан топган хотинининг зуғумидан кўрқиб берган йигитлик сўзидан, лафзидан қайтди. Мени руҳий тушкунлик азобига гирифтор қилди. Аҳволимга ачинган отажоним менга далда бўларди. "Қизим, у эркак эмас экан. Бир хотинни йўлга сололмай сизларнинг юзингизга қайта оёқ қўйди. Сен уни кечирма, судга бер, ажраш, ҳали ҳаётингда яна ёруғ кунлар кўп бўлади. Болаларингни ўйла, уларнинг усти йиртилган, оқ қоляпти. Уйда ётишдан фойда йўқ, иш қидир уни унут", - дедилар. Шундай қилиб мен, "У билан ажрашаман!" - деб судга ариза бердим. Орадан сал вақт ўтмай қизим 45 кун касалхонада, иссиғи тушмай бир аҳволда ётди. Дадасидан ёрдам сўрадим. Лекин у: "Пулим йўқ, пул бўлса хабар оларман. Кетавер", - деди. Лекин келмади, қизимга уқоллар етишмайди. "Отаси қани? Озроқ ёрдам қилмайдими?", - деб врачлар ҳар кун сўрайди. Дунёда яхши одамлар ҳам бор экан. Касалхонанинг шифокорлари пул йиғиб қизимга дори-дармон олиб беришди. Қизим буткул бўлмас ҳам дардини енгиб касалхонадан чиқди. Оқ халатли шифокорларга меҳрим чексиз. Улар эса: "Қизингизни даволатинг, ҳали асорати бор", - дейишди. Қизимнинг отасидан нафратланиб, ундан умид қилмаслигимни, уни унутиб янги ҳаёт қиришимни маслаҳат беришди. Бало келса икки ёндан келар экан. Ўғлим грижа касалига дучор бўлди. Уни олиб дадасининг олдига бордим. У бизни болалар касалхонасига олиб борди. У ерда О.нинг иккинчи хотини ишлар экан. Зулхумор бу воқеани эшитиб О.нинг ишхонасига борибди. Жанжал қилиб: "Ўғлингни мен ишлайдиган касалхонага олиб борма. Олиб борсанг, бир уқол билан ўлдираман", - дебди. О. "Зулхумор Ойбекни бир уқол билан ўлдираман деяпти, унинг қўлидан ҳар бало келади. Ойбекни бошқа касалхонага ўтказаман", - деди. Кейин, "Тез ёрдам" касалхонасига олиб бориб операция қилдик. Орадан бир ҳафтача вақт ўтиб биз тонгги поездга чиқиб уйга қайтмоқчи бўлдик. Соат уч. Вокзалда ўтирибмиз. Ҳаво совуқ, Зулхумор битта қўйлақда қалтираб икки қизчасини яланг оёқ ҳолатда олиб бизнинг орқамиздан пойлаб келибди. Ярим кечада икки гўдакни музлатиб, эрнинг орқасидан пойлаб келиш ҳамманинг қўлидан ҳам келмас керак. Мен унга: "Бу инсон менинг ҳам эрим, кўз очиб кўрганим. Нима учун бунчалик паст кетасан?", - дедим. У эса: "Сени у дунё, бу дунё эринг билан яшатмайман", - деб дод соларди. Кўчадаги одамлар олдига ҳижолат бўлган О. "Сен кетавер, мен кейин бораман", - деди.

2004 йил май ойлари эди. Ажралиш мақсадида О.нинг ёнига бордим. Ундан судга боришни сўрадим. У эса аллақачон судга ариза берганлигини айтarkan: "Бориб суриштир, боладан, сенадан, уйдан воз кечганлигини ҳақида ёзганман", - деди. Мен унинг айтганини қилдим, аммо буниси ёлгон бўлиб чиқди. Бунақанги бевурд эркакдан воз кечганим бўлсин, - дея ҳаётимни қайтадан бошлашга аҳд қилдим. Сиз бунга нима дейсиз?

ГУНОҲИМ НЕ ЭДИ?



мадим. Ҳама нарса ни кечириб мумкин, аммо хиёнатни кечириб бўлмайди. Болаларимни онамга қолдириб, Тошкентга ишга бордим. Яхшими-ёмонми фарзандларимни вояга етказа бошладим. Улар ҳеч нарсага зорикмаслиги учун қўлимдан келганини қилдим, ҳаттоки мардикорлик ҳам. Уларга фақат ҳалол луқма едирдим. Бир кун одатдагидек бозорда савдосотиқ қилиб ўтиргандим. О. мени бир ҳафтадан бериб излаб юрганлигини айтишди. Фарзандларимнинг бахтини ўйлаб у билан учрашдим. У эса қилган ишидан минг-минг пушаймонлигини айтиб, тинимсиз уэр сўраб, болаларини, мени соғинганлигини айтиб кўзига ёш айланарди. "Мени кечир, менинг кўзим кўр экан. Агар кўп десанг, ҳаётимизни қайтадан тиклаб яшаймиз. Сени, болаларимни энди ҳеч қачон хор қилмайман", - деб ўтинарди. То шу кунгача беш йил айрилиқ азобида ўртандим. Қайнонам, онамнинг ўғитларига амал қилиб, улар айтгандек от айланиб қозигини топади, деганларига амал қилдим. Унинг кўзи ачишиб кечирим сўраб келишини билар эдим. Келди. Биз яшай бошладик. 15 кун ўтди. "Мен Термизга бориб келай", - деди. Шу билан келмай кетди. Изидан суриштирсам у меҳнат таътили олган экан. Меҳнат таътили тугаб ишга чиқиб кетибди. "Бизни яна алдадингизми?", - десам: "Йўқ сизларни ташламайман", - деб келиб юрди. Мен эса унинг иккинчи аёлидан икки қизчаси борлигини ўйлаб.

ри оғир ботса ҳам О.учун чидадим. Ниҳоят у олийгоҳни битириб, катта шифо масканларидан бирига шифокор бўлиб ишга келди. Муносабатимиз жуда яхши эди. У мени эъзозлар, мен уни ардоқлар эдим. Рўзгоримизни алоҳида қилиб кўчиб чиқдик. О. охири вақтларда уйга кам келар, келса ҳам ноҳўя гап-сўзлар айтадиган одат чиқарди. Бир кун қизим Латофат, ўғлим Ойбекнинг олдидан дадасининг ишхонасига бордим. Ёзнинг иссиғи. Қоровулдан О.ни сўрадим. Қоровул хайрон қолган кўйи: "Сиз унинг оиласимизми? Ахир унинг бу ерда хотини бор-ку! Улар яқинда фарзандли бўлишди. Сиз ҳақингизда ҳеч ҳам айтмаган. Эссиз-эссиз", - О.нинг манзилани берди. Мен лол бўлиб қолдим. Бор вужудим музга айланди, аммо ўша ярамастларни кўришга ўзимда куч топдим. Тўғри кириб бордим. Қаршимда ой-кўни яқин аёл пайдо бўлди.

- Сенинг кимлигингни биламан, хомтама бўлма, икки болам бор деб, эримни олиб кета олмайсан, болани от ҳам тугиб ётибди, - деб турганда О. келиб қолди. Унга қараб: "Ана, хотининг келибди жавобини бериб юбор. Ё, мени дейсан, ё бунди", - деди. О. ўйланиб бир менга, бир унга, бир болаларга қарар, икки ўт орасида қолганди. Мен эса нима бўлаётганини идрок қилолмас эдим.

- Нега шундай қилдингиз, қандай айбим учун? Болаларни ўйламайсизми? Уларнинг аҳоли нима бўлади? - деб зор қақшаб йиғладим. Кундошим Зулхумор эса О.га қараб: "Айтинг, нима дейсиз?", - деб жаврагани-жавраган. О. ахирги Зулхумор билан яшашлигини айтди. Юрагимга тиг санчилгандек бўлди, ундан нафратланиб кетдим. Икки гўдагимни бағримга босиб тақдиримни қарганча кўчага отилдим. Йўлга чиқиб дуч келган машинага кўл кўтардим.

- Тезроқ ҳайданг.
- Қаёққа.
- Билмадим, ўлишим керак, - дедим. Ҳайдовчи мендан бўлган воқеани суриштириб, ўлим аҳмоқлик эканлигини, қизим, ўғлим учун ярашим зарурлигини, уларга мен жуда кераклигини жон

мадим. Ҳама нарса ни кечириб мумкин, аммо хиёнатни кечириб бўлмайди. Болаларимни онамга қолдириб, Тошкентга ишга бордим. Яхшими-ёмонми фарзандларимни вояга етказа бошладим. Улар ҳеч нарсага зорикмаслиги учун қўлимдан келганини қилдим, ҳаттоки мардикорлик ҳам. Уларга фақат ҳалол луқма едирдим. Бир кун одатдагидек бозорда савдосотиқ қилиб ўтиргандим. О. мени бир ҳафтадан бериб излаб юрганлигини айтишди. Фарзандларимнинг бахтини ўйлаб у билан учрашдим. У эса қилган ишидан минг-минг пушаймонлигини айтиб, тинимсиз уэр сўраб, болаларини, мени соғинганлигини айтиб кўзига ёш айланарди. "Мени кечир, менинг кўзим кўр экан. Агар кўп десанг, ҳаётимизни қайтадан тиклаб яшаймиз. Сени, болаларимни энди ҳеч қачон хор қилмайман", - деб ўтинарди. То шу кунгача беш йил айрилиқ азобида ўртандим. Қайнонам, онамнинг ўғитларига амал қилиб, улар айтгандек от айланиб қозигини топади, деганларига амал қилдим. Унинг кўзи ачишиб кечирим сўраб келишини билар эдим. Келди. Биз яшай бошладик. 15 кун ўтди. "Мен Термизга бориб келай", - деди. Шу билан келмай кетди. Изидан суриштирсам у меҳнат таътили олган экан. Меҳнат таътили тугаб ишга чиқиб кетибди. "Бизни яна алдадингизми?", - десам: "Йўқ сизларни ташламайман", - деб келиб юрди. Мен эса унинг иккинчи аёлидан икки қизчаси борлигини ўйлаб.

- Майли, уларни ҳам ташламанг, биздан ҳам хабар олиб туринг", - дедим. Лекин кундошим бунга эшитиб қолиб эрининг бошига не кунларни солмади. "У билан яшамайсан, ярасанг икки боламни ўлдираман. Қўлимдан нима ёмонлик келса барини қиламан", - деб уни жуда оғир аҳволга солиб қўйди. Натихада у мен билан яшаётганини ундан яшириб юрди. "У уйда йўқ вақтида келаман. Бўлмас келолмайман", - деб мени асабларимни қақшатди. Қариндошлари гапирди, лекин Зулхумор тушушсини истамади. Мени кўрса бўлмагур сўзлар билан ҳақорат қилар эди. О. эса кўчада ҳам, уйда ҳам у биллиб қолмасди, қўриб қолмасди деб тинч ўтиролмасди. Шундай қилиб юриш жонига тегида шекилли, охири келмай, бизга қарашмай қўйди. Мен эса: "Хотинингизга очик айтнинг, болалар учун келишиб яшайлик", - деб кистайман. У эса: "Зулхумор жуда шаллақ, гапга тушунмайди. Билса мени прокуратурага бериб шарманда қилади. Унинг нимага қодирлигини билмайсан, ниҳоятда ярамас хотин", - деди. "Мени шарманда қилдингиз, ака-укаларим, қариндош, кўни-қўшининг юзига қандай қарайман?" "Эри келиб яна ташлаб кетибди, деган

М.
Мохира БҮРИЕВА ёзиб олди,
Термиз шаҳри.

Турли майда-чуйда гаплардан қандай қилиб ҳимояланиш мумкин?

Энг аввал, ҳар бир инсон ўзига ва одамлар билан бўлган муносабатига четдан туриб назар солиши керак. Тўғри, сиз оққўнғил ва ҳозиржавоб инсонсиз. Сиз ўзингизга ишонасизми? Лекин зарурат тузилганда ўз фикрингизни ўзгар-

гиз қандай йўл тутишингиз мумкинлигини очик тан олинг. Энди эса сизни ҳа-толикка йўл қўйишга ундаган одамларни ҳам, ўзингизни ҳам кечиринг. Бемаъни кечмишларингизни бошқа эсламанг.

4 Ҳар бир воқеани турлича баҳолаш мум-

ЎЗИНГИЗГА РАЗМ СОЛИНГ-ЧИ...

тириб, бировнинг етовида кетаверасизми? Жавобингиз салбий бўлса, унда, ўз-ўзингизни тарбиялашингизга тўғри келади. Акс ҳолда, сизни истаган оҳангга солишлари мумкин.

Қатъият - муваффақиятлар гаровидир

1 Ўзингизнинг ожиз ва кучли томонларингизни яхши билиб олинг-да, аввало, нимани ўзгартиришингиз мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўринг.

2 Сиз учун нима қадрли, нимага ишонасиз ва ўз ҳаётингизни қандай кўришни истардингиз? Шу билан бирга бугунги кун учун тузган режаларингизни диққат билан кўздан кечириб чиқинг ва керак бўлса уларни қайтадан ўзгартиринг.

3 Утган ҳаётингизга бир қаранг. Ким биринчи марта истамаган ишни бажаришга мажбур қилганини эслаб кўринг. Бунинг сабабларини тушунишга ҳаракат қилинг. Айни дамда шу вазиятга тушиб қолсан-

кин. Кимгадир ёмон туюлган нарса бошқа биров учун яхши бўлишини унутманг. Бу қараш одамлар билан бўлган муносабатларда сизга сабр бериб, баъзан ҳақоратдек туюлган муносабатларни тўғри қабул қилишингизга ёрдам беради.

5 Танкидни тўғри қабул қилишга одатланинг. Мабодо агар бу асосли бўлса, ундан тўғри хулоса чиқариб ўз манфаатингиз учун фойдаланинг. Лекин, ҳар қандай икки-чир гапларга, нишани тикмоқчи бўлганларга эътибор берманг.

6 Истакларингизга қулқ тутинг. Ўзингизга ҳузур ва илҳом бағишлайдиган нарсаларни бажаришдан ўзингизни тийманг. Мабодо бу кимгадир ёқмаса, ўзингизни оқлаб ўтиришингиз шарт эмас.

7 Хаддан ташқари мағрурлик билан ўз "Мен"ингизни асрамаганингиз маъқул. У сиз ўйлагандан ҳам қаттиқ ва чайирдир. Бир сўз билан айтганда ўз тақдирингизга ўзингиз ҳукмрон бўлишдан сира чўчиманг.

ТЕСТ: СИЗ ВА ЎЗГАЛАР...

1 Раҳбар сиздан бошқалар ишини бажаришингизни сўрайди. Сизнинг муносабатингиз?

- А.** Хушмуомалалик билан бу хизмат доирангизга кирмаслигини айтасиз.
- В.** Қўйнаиб бўлса-да топширилган ишни бажарасиз.
- С.** Рад этмасангиз-да, чап беришга ҳаракат қиласиз.

2 Автобуска ўта жанжалкаш кимса чиқиб гафингизни кўзгай бошлади. Сиз...

- А.** Кайфиятингиз бузилади ва қилгилига яраша бошлаб жавобини берасиз.
- В.** Ўзингизни уни гўё сезмаётгандек тутасиз.
- С.** Унга тарбия кўрмаган одамдек қараб, ачинаб ҳам кўясиз.

3 Дугонангиз ёки ёқтирган одамнинг зарингизда кераксиздек туюлган нарсани олиш учун сиздан қарз сўрайди. Сиз...

- А.** Пул излашга тушасиз. Дўстлик сиз учун муқаддас.
- В.** Пул топишингиз йўлини айтасиз.



С. Ортиқча пулингиз йўқлигини айтасиз.

4 Сотувчилар сиз учун кераксиз бўлган buyюмни олишга қўндира олишадими?

- А.** Йўқ! Мен ўзимга нима кераклигини жуда яхши билман.
- В.** Бир марта шундай бўлган.
- С.** Тез-тез бўлиб туради.

5 Ўз раҳмдиллигингиздан қийналиб юрасизми?

А. Кўпинча бу қаттиқ панд беради.

В. Неча бор панд есам ҳам раҳмдиллик қилавераман.

6 Ҳамкасблар сиздан ишларини бажаришни тез-тез сўрашадими?

- А.** Ҳа, кўпинча бўлиб туради.
- В.** Бўш бўлсам нимага ёрдам бермаслигим керак экан?
- С.** Менга бу борада муурожаат қилиш бефойда.

Натижалар:

Куйидаги жадвалдан фойдаланиб йиққан балларингизни ҳисобланг.

	1	2	3	4	5	6
А	1	3	3	1	2	3
В	3	2	1	2	1	2
С	2	1	2	3	3	1

6-9 балл

Сиз мустақил ва руҳан қатъиятлисиз. Майда-чуйда нарсалар билан сизни чалғитиб бўлмайди. Лекин, кибрга бе-

рилиб кетишдан сақланинг.

10-14 балл

Сиз вазиятни тўғри баҳолаб, ҳа-толарингизга қараб хулоса чиқарасиз. Баъзан сиздан фойдаланишларига йўл қўясиз.

15-18 балл

Сиз раҳмдил, очикқўнғил,

ҳозиржавоб, андак содда ва доимо ёрдамга тайёр одамсиз. Афсуски дунёда ўз мақсадлари учун атрофдагилардан фойдаланувчилар бор. Эҳтиёт бўлинг. Аввало, сизни қийин вазиятда қолдириб нукул ёрдам сўраб турувчи одамлар сафини камайтиринг ва бундан сира ҳам хижолат бўлманг.

Ҳамида тайёрлади.



СЕВГАН ҚИЗИНГИЗНИ КУЗАТИНГ

● Қизларнинг феъл-атвори уларнинг соч турмагида ҳам мужассамлашган бўлади.

Агар сиз севган қизнинг сочи тим қора бўлиб, ёйиб орқасига ташланган бўлса...

Бундай қизлар нозик табиатлидир. Қалби беғубор. Кўзингизга ва кўнглингизга қараб муомала қилиш маҳоратига эга. Ақл-фаросатда ўрнак бўла оладилар. Аммо тез-тез аразлаб қолишга ва гинахонликка мойилроқдирлар. Айтган гаплари беъэтибор қолса, диққи нафас бўлиб, қовоқ уйиб оладилар.

Аммо бундай қизлар мохир пазанда. Тансиқ таомларни тайёрлаб, сизни хушнуд этишига ҳеч шубҳа қилманг. Ташқи кўришини гўзал бўлишига қанчалик эътибор бермасин, бунинг ҳақон кўнглидагидек ўрнига қўя олмайди. Юракдан суҳбат қуришга қодир. Айбингиз бўлса кечира олади. Кўп ишларда тезкорлик ва омилкорлик кўрсата олади. Қалбини тушунган инсонни бахтли қилади.

● **Сиз севган қизнинг соч турмаги юқорига хурпайиб, тўзғиб турган бўлса...**

Унинг феъл-атвори тез ўзгариб туради. Пала-партишликка ўрганиб қолган ва дилкашлиқдан анчагина олис. Агар сочини бошқа рангга бўятиб олган



топа оладилар. Рўзгор ишларида ҳам ибрат кўрсатишга қодир. Ўзларини ўтдан-чўққа уриб, битмаётган ишларни ўрнига қўя оладилар. Бироқ тез-тез хатога йўл қўйиб, жиғибийрон бўлиб юрадилар. Муҳаббат бобида садоқат кўрсата оладилар. Аммо қамбағалликка, хаттоки ўртаҳолликка ҳам чидай олмайдилар. Орзу-истакларига эришмагунча, ўзларини ҳам, бошқаларни ҳам хуноб қилиб юборадилар.

● **Агар сиз севган қизнинг сочлари силлиқ таралган ва битта қилиб ўрилган бўлса...**

У покisasi мустаҳкамдир. Меҳнатдан қочмайди, мақсадга эришиши йўлида тиришқоқлик кўрсата олади. Хулқ ва одоби билан ҳам кўпларга ибрат бўла олади. Аммо ўта инжиқ бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

бўлса, каттазангликка мойил ва дид-фаросати ҳам ночорроқдир. Бундай қизларда ижобий хусусиятлар ҳам йўқ эмас. Бир ишни узил-кесил ҳал қила оладилар. Омад сўқмоқларини тиришиб

● **Агар севган қизингиз сочларини муждасига силлиқлаб турмаклаб олган бўлса...**

Бундай қизларнинг орзу-умидлари беқиёсдир. Ҳамиша меҳнатга шай турадилар ва ишдан қочмайдилар. Ҳар қандай ҳолатда уларни камтарлик тарк этмайди.

Жанжалли ишларга арашмайдилар. Маслаҳат сўраган кишиларга тўғри маслаҳат бера оладилар ва асло миннат йўлини тутмайдилар. Кўп ҳолларда ақл-фаросати билан мужмал ишларни бартараф этишга қодир. Оилада кимнинг ташвиши бўлса енгиллатиш йўлида жонбозлик кўрсатишга мойил. Оилада меҳр ва қадр топишларига шубҳаланмаса бўлади. Кўплар қатори иш-ётган бўлса, ўзини бахтли санайдилар. Жиззаки, юзга чопар эмас.

Аммо имиллаброқ ҳаракат қиладилар. Иримларга эринмай амал қиладилар. Қанчалик меҳнаткаш бўлмасин, кўп ишларни чала ташлаб қўйиб, беъэтибор юраверишлари ҳам мумкин. Аммо эркакнинг кўнглига қараб иш тутади. Баъзан арзиманган гагдан қаттиқ дилжиралликка тушишлари ҳеч гап эмас. Умуман оилада яхши ва тежамкор бека бўла олади.

Салгина айб учун ҳам одамни хуноб қилиб юбориши ҳеч гап эмас. Одоб-ахлоқли. Қалбларида раҳмдиллик, меҳроқибат кучлидир. Рўзгор ишларида ҳам мохирлик кўрсата оладилар.

● **Агар севган қизингиз сочларини муждасига силлиқлаб турмаклаб олган бўлса...**

Бундай қизларнинг орзу-умидлари беқиёсдир. Ҳамиша меҳнатга шай турадилар ва ишдан қочмайдилар. Ҳар қандай ҳолатда уларни камтарлик тарк этмайди.

Жанжалли ишларга арашмайдилар. Маслаҳат сўраган кишиларга тўғри маслаҳат бера оладилар ва асло миннат йўлини тутмайдилар. Кўп ҳолларда ақл-фаросати билан мужмал ишларни бартараф этишга қодир. Оилада кимнинг ташвиши бўлса енгиллатиш йўлида жонбозлик кўрсатишга мойил. Оилада меҳр ва қадр топишларига шубҳаланмаса бўлади. Кўплар қатори иш-ётган бўлса, ўзини бахтли санайдилар. Жиззаки, юзга чопар эмас.

Аммо имиллаброқ ҳаракат қиладилар. Иримларга эринмай амал қиладилар. Қанчалик меҳнаткаш бўлмасин, кўп ишларни чала ташлаб қўйиб, беъэтибор юраверишлари ҳам мумкин. Аммо эркакнинг кўнглига қараб иш тутади. Баъзан арзиманган гагдан қаттиқ дилжиралликка тушишлари ҳеч гап эмас. Умуман оилада яхши ва тежамкор бека бўла олади.

Бундай қизлар шиддаткордир. Оладиларига қўйилган мақсад йўлида ғайрат кўрсата оладилар. Аммо ишни пала-партиш бажариб, кўпдан-кўп руҳий азобда юрадилар. Бундай қизларнинг ташвишлари кўпроқ бўлади.

Уйда кўп ўтиришни хушламайдилар. Улар даврада юришни ва ўзига омад йўлини очишни хуш кўрадилар. Бошқаларнинг маслаҳатини эшитадилар, аммо ҳеч қачон унга амал қилмайдилар. Кўпдан-кўп янглиш қарор қабул қилиб қўйиб, азият чекиб юрадилар.

Оиладаги тутуми эса ҳавас қиларли эмас. Шундай бўлса-да, очик суҳбат билан кўпларни ром қила оладилар. Эрга эса кучли талаб қўядилар ва ўзи ҳам муаммолар ечимини йўлида ёрдам беришга қодир. Чикимлари кўпроқ, амма ана шунга яраша даромад йўлини ҳам топа оладилар. Шундай бўлсада, дид-фаросатлари ўткир эмас. Уларнинг энг яхши фазилати катталарнинг хурматини жойига қўя оладилар ва уларнинг қалбини юракдан ҳис этиб, беминнат ёрдам беришга шайлар. Бундан ўзлари ҳам қониқиш ҳосил қиладилар. Бироқ уларга беҳисоб кийим-кечаклар бўлиши шарт.

● **Агар севган қизингизнинг сочлари қирқилиб, қалталанган ва бўялган бўлса...**

КОМИЛЖОН тайёрлади.

ЖАННАТ МЕВАСИ

Ажойиб қовунлар нафақат ширинлиги, балки, соғлиққа бекиёс фойдали эканлиги учун ҳам қадрланади. Қадимги халқ табобатида қовунни: "Сочларни жилонтирадиган, терини шафтолидек таранг қиладиган, кўзларни чарақлатиб ҳиссиётни қучайтирадиган жаннат меваси", - деб бекорга айтишмаган.

ҚОВУН ФАКАТ ШАКАР ЭМАС...

Қовуннинг асосий қисми сув ва шакардан иборат бўлса-да, танамиз учун фойдали бўлган моддалар унинг этларидадир.

Жуда кўп аскорбин, фолий ва каротин кислоталарига бой бўлгани учун у дармондорили маҳсулот ҳисобланади. Сабзавотлар ва мевалар орасида таркибидоги темир моддасининг кўплиги билан қовун-пиёз, қарағат, саримсоқлиёз ва редискага тенглаша олади. Қовунда танадаги суякларни, тиш ва тирноқларни мустаҳкамлаб, уларнинг соғломлигини таъминлаб турадиган кальций миқдори кўп. У чанқоқни қолдириб, асаб тизимини тинчлантиради. Ошқозон ва ичак фаолиятини яхшилаб, танадаги сув миқдорини меъёрлаштиради. Бундан ташқари қовундан турли касалликларнинг олдини олиш, асабини тинчлантириш, сийдик ҳайдаш, қон айланишини меъёрлаштиради, хотирани тиклаш ва боднинг олдини олишда фойдаланилади.

Шунингдек, камқонликни даволаб, кўзларга чанқоқлик бағишлаб, терини таранглаштиради.

Ҳозир дунёдаги ривожланган кўп мамлакатларда танадан ширинлик билан тазолаш урф бўлган. Шуниси аҳамиятлики, қовуннинг шарбати танадаги хилтларни мева ва резаворлар шарбатига қараганда тезроқ тазолаш экан. Бунинг учун 20 кун давомида ҳар куни эрталаб оч қоринга қовун шарбатидан ичиш тавсия этилади.

ЭНГ ШИРИН ПАРҲЕЗ

Танадаги ортиқча хилтларни тазолашда қовун ўзига хос хусусиятга эга. Бунинг учун 2 килограмм қовун этини 5-7 бўлакка бўлиб, бир ҳафта давомида ейлади. Бу усулнинг ўзига хослиги шундаки, парҳез қилиш билан бирга истаган овқатингизни бемалол тановул қилаверишингиз мумкин. Фақат қовунни овқатлаиб бўлганингиздан сўнг орадан 2-3 соат вақт ўтганидан кейин ейиш ингиш шарт. Бунга қўшимча 1/2 сутка ичти пўсти билан бирга қўшиб чиқарилган қовун шарбатидан ичсангиз, танангиз ёшариб, руҳингиз тетиклашганини ҳис этасиз.

ЭХТИЁТ БЎЛИНГ, ҚОВУН!

Шуни унутмангки қовунни бирдангина кўп миқдорда ейиш фойдали эмас. Бу ичакларнинг тикилиб қолишига сабаб бўлиши мумкин. Бундан ташқари қовунни овқатлангандан кейин бир-икки соат ўтгач истеъмол қилиш зарур. Чунки, овқат билан қовунни бир вақтда еб бўлмайди. Айниқса, уни туҳум ва сут маҳсулотлари билан аралаштирмаслик керак. Агар қовун еган бўлсангиз шу кунни юқорида кўрсатилган



маҳсулотлардан воз кечганингиз маъқул. Шунингдек, уни совуқ сув ҳамда спиртли ичимликлар билан ҳам ейиш мумкин эмас. Пўсти билан шарбат чиқаргичдан чиқарилган қовуннинг шарбати ёшартириш хусусиятига ҳам эгадир.

ҚОВУН БИЛАН ДАВОЛАШ

Говмиччани қовуннинг эти билан бугласангиз, тез тазолаб кетади.

Агар қовуннинг пўчоғи пешонага босилиб бир неча мундта буглаб қўйилса, шамоллаш тез ўтиб кетади.

Бурун қонаганда қовуннинг шарбатидан 2-3 томчи томзилса, тўхтади.

Томоқ оғриганда ва ўпка шамоллаганида қовуннинг пўстидан кўкракка компресс қилинса, тез шифо беради.

Думалок (кампир қовун)нинг шарбати ўпка шамоллашини даволайди. Зарнафас касали билан оғриган кишиларга ҳар бир хуруждан кейин ичиш тавсия этилади.

Қовунни шивит қўшиб қайнатилган дамламаси буйракдаги тошларни нуратиб, чиқариб юбориш хусусиятига эга.

Бош оғриганда 200 грамм қовунни шошмасдан чайнаб ейилса, бош оғриғини таққа тўхтатади.

Қовун шарбати қўшилган ваннада чўмилиш, теридоги таъсирчанликни даволашга наф беради. Бунинг учун сув тўлдирилган ваннага бир стакан қовун шарбатини аралаштириб, бир неча қовун бўлакларни ташланса кифоя.

Қабзият ва бавосилни даволашда қовун тенги йўқ юмшатувчи восита ҳисобланади. Уни эрталаб оч қоринга истеъмол қилинади. Аммо, ҳаддан ташқари кўп ейиш мумкин эмас.

УРУҒЛАРИНИ ҲАМ УНУТМАНГ!

Қовун уруғларини ҳеч қачон ташлаб юборманг. Хом уруғлар тиббиётда буйрак, жигар ва сийдик пуфагини даволашда ишлатилади. Эркаклар қовун уруғларини қувват ошириш учун истеъмол қилишса, қовун уруғининг дамламаси эмизикли аёллар сунини кўпайтиришга ёрдам беради.

Буйракни тазолаш ва сийдик йўллари очиш учун бир ош қошиқ майдаланган қовун уруғи устига бир стакан қайноқ сув қуйиб, 3-4 соат ўраб қўйинг. Тайёр бўлган дамламани ҳар куни ярим қошиқдан эрталаб ва кечқурун ичилади.

Қин (Аёллар хасталиғида) шамоллаганда 5 ош қошиқ қовун уруғини майдалаб, устига 3 стакан қайноқ сув қуйилади-да, 30 минутдан кейин

ҳар куни чой ўрнига соғайиб кетгунча ичилади.

Қувватсизликда 3 ош қошиқ майдаланган қовун уруғини 3 ош қошиқ асал билан аралаштириб ҳар куни овқатланишдан ярим соат олдин қунига уч мартадан, ичилса танага қувват бағишлайди.

ҚОВУНЛИ ПАРДОЗ-АНДОЗ

Шарқда: "Қовун аёлларни гўзаллаштиради", - деган гап бор. Чиндан ҳам шундай. Қовун табиий моддаларга бой. Унинг таркибидоги тери ва сочларни жилонтираувчи кремний моддаси бор. Терини силлиқ ва таранглаштираувчи каротин эса, сабзига қараганда қовунда кўпроқ.

Қовундан тайёрланган лосьон қуруқшаган терини таранг қилиб ёшартириб юборади. Бунинг учун қовуннинг сувини сиқиб, хом сут ва сув билан аралаштирилиб, эрталаб ва кечқурун пахтага ботириб юз артиради.

Озиқлантирувчи ва ёшартирувчи кириб терининг ҳамма туку учун фойдали. Бунинг учун қовуннинг этини яхшилаб эзиб бўйин ва юзга сурилади-да, 15 минутдан сўнг совуқ сув билан ювилади. Кейин биронта озиқлантирувчи кремдан суриб қўйилади.

Қайнатиб-пиширилган қовун этидан доғларни, сепкил ва хуснбузарларни кеткизишда фойдаланиш мумкин. 5 минут давомида қайнатилган қовун эти сузиб олиниб эзилади. Иссиққина бўтқаси юзга сурилади. 10-15 минутдан кейин ювиб ташланади-да, пахта билан олинади. Бунинг натижаси бир ҳафтадаёқ сезилади.

Юзани қовун уруғи дамламаси билан (бир ошқошиқ майдаланган қовун уруғининг устига бир стакан қайноқ сув қуйиб тайёрланади.) мунтазам равишда ювилса, у терига нафислик бағишлайди.

Олхўри ўзининг сариқ, кўк, қизил ва сиёҳ рангдаги бетакрор кўриниши билан бошқа мевалардан ажралиб туради. Ҳозир олхўри гарқ тишган. Олхўридан компот, мураббо, қиёмларни, қиш учун зарур бўлган дармондориларни банкларга жойлайдиган пайт.

Болалардаги камқонликни даволаш учун қуйидагича аралашма тайёрланади:

Икки стакан янги олхўри меваси, яримта лимон, 2-3 ош қошиқ шакар, 4-5 стакан сут оласиз. Меваларни майдалаб уларга лимон шарбатини қўшиб яхшилаб аралаштирилади ва ҳар куни истеъмол қилинади.

Ёш ўтган сайин ичак фаолияти яхши ишламаслиги туфайли муаммолар пайдо бўлади. Олхўри эса айнан ана шу муам-



ОЛХЎРИ: АРЗОН ВА ФОЙДАЛИ

моларни бартараф қилишга ёрдам беради.

Сирланган каструлкада бир

АНДОЗ

стакан сувни қайнатиб, унга уч дона қора олхўри, бир ош қошиқ қуририлган валериана ўти, уч дона анжир солиб паст оловда 15 минут қайнатгач, сузиб олиб ҳар куни бир ош қошиқдан истеъмол қилинади. Уни тунда ичиш ҳам мумкин.

Уч донадан қора олхўри, анжир ва туршакни майдалагичдан чиқариб, 250 грамм асал билан аралаштирилади. Сўнг ушбу аралашмага бир ош қошиқ қайнатиб совутилган совуқ сув қўшиб, эрталаб оч қоринга истеъмол қилинса, соғлиқни мустаҳкамлайди.

Халқ табобатида олхўридан қабзиятни, қуйганни, хотира сусайишини, буйрак бод, подагра, иштаха очиш, оғриқ қолдириш, ошқозон хасталик-

рини даволашда ва сийдик ҳайдовчи восита сифатида фойдаланишган. Шунингдек, бу мева билан қон босими баланд, камқон ва цинга касалига чалинган беморларни ҳам даволашган.

Олхўри меваси-таркибининг 25 фоизи енгил ҳазм бўладиган моддалардан, қолгани эса шакар моддасини ташкил этгани боис қанд касали билан оғриган беморларга тавсия этилмайди.

Унинг янги тайёрланган шарбати ош қозондаги кислоталикни камайтиради, ошқозон яраси ва ўн икки бармоқли ичаклар ярасини даволашда истеъмол қилинса катта ёрдам беради.

Шунингдек, олхўри танадаги аъзолар шишининг олдини олади.

Саҳифани Дилбар ва Гулбашақар тайёрлашди.

БИР КАЧОНИ ИКИДА ГАПЛАР

“Пачоқ машина беришди, лекин тузатиб одам қилса бўлади”.

(Шофёр гапидан).

“Танбур навоси сеҳри булбуллар қалбига қириб, сайрашни ўргатди”.

(Этюддан).

“Иккала бурунга 2 томчидан, 3 маҳал бу дори ни томизасиз”.

(Дорихонадаги гапдан).

“Ховуз бўйида пиширилган баликдан энди ейман деганимда, балик тушмагур ховузга шўнғиб кетди-я”.

(Бир хўранданинг дегани).

“Кўнгил шинасан чил-чил синган бўлса-да, қайта ямадим”.

(Аразлаган кишининг дегани).

“Кўзларим прожектор бўлиб, йўлларингни ёритиб турса, ўзини бағоят чаробон сезардим”.

(Ошиқ монтернинг қизга дегани).

“Кекирдак” дан тушиб, “Буйрак”ка борсак, йўлларнинг ичак-чавоғи чиқиб ётибди-я”.

(Бир тумандаги қишлоқлар номидан).

“Мурдалар суд-тиббий экспертиза хонасида миқ этмай ётарди”.

(Бир далолатномадан).

“Биного қайта ҳаёт бахш этиш ташаббуси кенг қулоч ёйди”.

(Бир мақоладан).

“Кўкдаги юлдузлар мазах қилгандек, машина ойбасидан мушукдек миёвлаб, мўралаб турарди”.

(Лавхадан).

“Девор йиғлар, дун йиғлар, Кундуз йиғлар, тун йиғлар”.

(Бир газетхон ижодидан).

“...Туғлибок дадасига дум бўлади, ўғил бола...”

(Бир кўшиқдан).

“Гул унади қизларининг пойидан, Тун ёришар туриб юрса жойидан”.

(Бир шеърдан).

Мирзамир.

—Нима учун сизнинг хотинингиз чўкаётганида ёрдан сўраса, сиз уни куткармадингиз?!
—У чўкибдими? Қизик, доимо бақиради-ку!



—Нега дарахтга ёзаясан?

—Бу ерда бўлганим яниси қолмасин-да!

—Дад! Сиз нега онама уйлангансиз?

Эр хотинига қараб деди:

—Мана, кўряпанми шу бола ҳам ажаблантапти.



—Нима қилаяпсиз дала?
Тарвуз пишираяпман...



Котиба жуда секин-секин ёзмокда. Ташрифга келган киши асабий ҳолда сўради:
— Эй, қиз! Сиз бирор нарсени тезроқ қила оласизми?
— Ҳа! Мен тез-да чарчайман.



—Қўшимиз Шодибойга нима қилабам?
—Ҳаммадан қарз олиб ааблабали тўй қилган эси, энди қарзини узоқмай шфарқп бўлиб қолибам.



—Сенга машина олиб берайликми ёки уйлантириб қўяйликми, ўғлим?
—Яхшиси машинаси бор қизга уйлантириб қўйинглр!

Ота институт ресторига:

— Эртага менинг ўғлим имтиҳон топширади, лекин мен уйлайманки, у топшира олмайд.

— Келинг, уч ланг сўмдан баҳслашамиз, у топширади.

Уйга кириб келган хотин эрининг қўлидаги пашша урадиганини кўриб деди:

— Нима қилаяпсиз?
— Пашша ўлдираяпман.

— Нечта ўлдирдингиз?
— Учта эркак ва иккита аёл жинсидан.

— Хўш, уларни қандай фарқлай олдингиз?
— Учтаси пиво идишида, иккитаси телефон гўшаида ўтиришганди.



Машқ пайтида аскарга топшириқ беришди:
— Сени парашюта таълашади. Сен далага қўнасан. Ёнингга бир арава келади ва аравакиш сени учрашув жойига олиб боради...

Аскар самолёт салонини тарк этгач парашюот очилмади. Заҳирадаги ҳалқани тортди. Унда ҳам очилмади.

Парашюотсиз ерга елдек учиб бораркан, аскар ўйлаб қолди: — Омад тарк этганини қаранг. Боз устига арава ҳам белгиланган жойга етиб келмаса-я...



БЕМААЛА ЯШАВЕРИНГЛАР
ХАЗИР ХЎЖАЛИКНИ БИЗГА
ҚАРШИ ДОРИСИ ХАМ, ДОРГА
ПУЛИ ХАМ ЙЎҚ

Рассом-А. ҲАКИМОВ.
Хандалар муаллифи-М. МИРЗАШАРИПОВ.

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган қўлғезмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.
Газетадан қўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА
Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила -133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41
МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент - 700000
Амир Темуру кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.
Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босма-хонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.00. Босишга топширилди - 21.00
Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru

ХОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси
ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 027-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 1040. Формати А-3, ҳажми 4 табақ.
Адади - 16145
Саҳифаловчи — Ш. БАРОКОВ
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ
Навбатчи — Н. ЙЎЛДОШЕВА
Мусаҳҳиҳ — С. САЙДАЛИМОВ
2 3 4 5 6